

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Алло

2(54)-сон ✦ ИЖТИМОЙИ-МАЪРИФИЙ ИНТЕРНЕТ-ЖУРНАЛ

Милодий 2018 йил январь, февраль, март.

Ҳижрий 1439 йил рабиъус соний, жумадул аввал, жумадус соний

Бола тарбиясидаги НОЗИК нуқталар

Фарзанд тарбиясида
шундай нозик
нуқталар борки,
уларни инкор
этиш тарбиянинг
камолига путур
етказди



Abbos

ИККИ ОЙДА БИР ЧИҚАДИГАН ИНТЕРНЕТ-ЖУРНАЛ

2 (54)-сон.

Ҳижрий 2018 йил январь, февраль, март.

Милодий 1439 йил рабиъус соний, жумадул аввал, жумадус соний

Журналга ҳижрий 1433 йили
шайх **Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф**
раҳимаҳуллоҳ томонидан асос солинган

Муассис:

«Ҳилол нашриёти» МЧЖ (Москва)

Бош муҳаррир:

Аҳмад Муҳаммад

Саҳифаловчи:

Ҳабибуллоҳ Болтаев

Таҳрир ҳайъати:

Исмоил Муҳаммад Содик (раис)

Тоҳир Малик

Эркин Малик

Абдулҳамид Турсун

Абдуманнон Тўйчиев

Муҳаммад Айюб Усмон

Нодирбек Хидиров

Озод Мунаввар

Анвар Аҳмад

Электрон почта

abu_abbos@mail.ru



Шиоримиз:

Аҳли сунна вал жамоа асосида пок ақида ва мусаффо Исломга интилиш,
Қуръон ва Суннатни ўрганиб, амал қилиш, исломий маърифат таратиш,
салафи солиҳ – улуғ мужтаҳидларга эргашиш, кенгбағирлик ва биродарлик
руҳини тарқатиш, диний саводсизликни тугатиш, ихтилоф ва фирқачиликка
барҳам бериш, мутаассиблик ва бидъат-хурофотларни йўқотиш.

Абдулвоҳид ибн Зайд раҳимаҳуллоҳ айтади: «Бир йили ҳажга бордим. Ўтирса ҳам, турса ҳам, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтадиган бир одам йўлда менга йўлдош бўлди. Ундан нима учун бу қадар кўп салавот айтишининг сабабини сўрасам: «Сенга бунинг қиссасини айтиб бераман. Мен отам билан биринчи марта ҳаж қилгани бориб, ҳажни тамомлаб қайтаётганимизда бир жойда ухлаб ётсак, тушимда бир киши келиб: «Тур, Аллоҳ отангни ўлдириб, юзини қорайтирди», деди. Чўчиб уйғондим. Қарасам, отам ҳақиқатдан ҳам вафот этибди, юзини очсам, юзи ҳам қорайиб кетган экан. Бу ҳолни кўриб, кўрқиб кетдим. Фамгин бўлиб ўтирган эдим, кўзим кетиб, яна ухлаб қолибман. Тушимда кўлида темир ушлаб, отамнинг бошида турган қора суратлик тўрт одамни кўрдим. Бирдан ниҳоятда юзи чиройли, яшил либос кийган одам пайдо бўлди-да, уларни: «Нари боринглар», деб ҳайдаб юборди. Сўнг кўли билан отамнинг юзини силади ва менга: «Тур, отангнинг юзи оқарди», деди. У кишидан: «Ота-онам сизга фидо бўлсин, сиз кимсиз?» деб сўрадим. У киши: «Мен Муҳаммадман», деди. Уйғониб, отамнинг юзини очиб қарасам, оқариб қолибди. Шундан кейин Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтишни сира тарк қилмадим», деди»...

Улуғлар ибрати

...Язид дунёдан ўтган куни одамлар унинг васиятига кўра ўғли Муовияни халифа этиб кўтаришди. У ниҳоятда тақводор, оқил киши эди. Қирқ кун (бир ривоятда икки ой, яна бошқа ривоятда беш ой) халифалик қилгач, истеъфо бериб, ўзини халифалиқдан бўшатди. Сўнг минбарга чиқиб, анча сукут сақлаб ўтирди ва ўрнидан туриб, Аллоҳ таолога ўта гўзал тарзда ҳамду сано айтди. Ортидан Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни жуда чиройли салавот ва саломлар билан эслади. Кейин шундай деди: «Эй одамлар! Менинг сизларга амир бўлишга рағбат ва хоҳишим йўқ. Бобом Муовия уни (амирликни) Расулulloҳга қариндош бўлгани ва буюк фазли туфайли халифаликка ўзи-

дан ҳам, бошқалардан ҳам лойиқроқ бўлган инсондан тортиб олди. У зот муҳожирларнинг қадри энг улуғи, қалби энг шижоатлиси, энг илмлиси, иймонда энг аввалгиси, обрўда энг шарафлиси, саҳобалиқда энг қадимгиси эди. Ўзингиз билганингиздек, бобом ана шу ишларни қилди, шундай улуғ одам билан урушди. Сизлар ҳам ўзингиз билмаган ҳолда у кишига шерик бўлдингиз. Ҳатто ишлар бобомнинг кўлига ўтди. Қазои қадар келиб, ажал кўли у кишини тортиб олиб кетгач, ўз амали билан қабрида ёлғиз қолди. Дунёда қилган амалларининг жазосини кўрди.

Кейин эса халифалик отам Язидга ўтди. У киши отасининг хоҳишига кўра сизларга бошлиқ бўлди. Отам Язид ёмон феъли

ҳамда ўз нафсига қилган зулми сабабли Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматига халифалик қилишга муносиб эмас эди. У ҳавойи нафсига эргашди, ўз хатосини гўзал санади, Аллоҳнинг қаршисида журъатли бўлиб, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам авлодларининг ҳурматига тажовуз қилди. Шунинг учун ҳаёти ҳам узоққа чўзилмади, ортидан нишонаси ҳам қолмади. Энди қабр чуқурида амали, хатолари ва гуноҳларига жавобгар бўлиб қолди,

мендан олиб, уни устингизда раҳбар бўлишига рози бўлган одамнингизга топширинглар. Мен сизларнинг бўйнингиздан байъатимни қайтариб олдим. Вассалом» деб, минбардан тушди.

* * *

...Абу Бақр Мискийдан: “Сиздан доим мушкнинг ҳиди келиб туради, бунинг боиси нима?” деб сўрашди. У: “Аллоҳга қасамки, бир неча йилдан бери мушк ишлатмайман. Лекин бунинг битта сабаби бор. Бир куни бир аёл ҳийла қилиб, мени ўзининг уйига киритди ва ортимдан эшикни қулфлаб қўйди. У менинг нафсимни хоҳлади. Мен нима қиларимни билмай, ўзимни йўқотиб, танг аҳволда қолдим ва унга: “таҳоратга заруратим бор”, дедим. У бир жориясига мени ҳожатхонага бошлаб боришга буюрди. У мени олиб борди. Мен ҳожатхонага кириб ахлатларни олиб бутун баданимга суртиб чиқдим ва шу ҳолатда мазкур аёлнинг олдига қайтиб бордим. Аёл мени кўриб даҳшатга тушиб лол қолди ва мени уйдан чиқариб юборишни буюрди. Мен уйга келиб ювиниб олдим. Ўша кеча тушимда менга: “Ҳеч ким қилмаган ишни қилдинг, албатта дунё ва охиратда ҳидингни хушбўй қилиб қўяман” деган хитоб бўлди. Тонг отганда мендан мискнинг ҳиди таралиб турар эди. Ҳали ҳануз шундай давом этяпти”, деб жавоб берди».

у ерда ўзи жўнатган нарсаларини топди. Энди эса пушаймонлик фойда бермайдиган жойда пушаймон бўлмоқда. Биз ундан ажраганимизга маҳзунмиз, аммо аслида унинг ҳолига ачинганимиздан маҳзун бўлишимиз лозим эди. Кошки (қабрда) унинг нима деганини ва унга нима дейилганини билсам. Ёмонликлари учун жазоландими ёки амали учун мукофотландими, мана шу менинг гумонимдир».

Муовия бу гапларни айтиб, хўнграб юборди, узоқ йиғлади. Сўнг: «Энди мен уларнинг учинчиси бўлдим. Биламан, мендан норози бўлганлар рози бўлганлардан кўпроқ. Мен сизларнинг гуноҳларингизни кўтара олмайман. Илоҳим Аллоҳ жалла жалолуҳу сизларнинг гуноҳ ва масъулиятингизни ўзимга юклаб олганимни кўрмасин. Бу ишни (раҳбарликни)

Улуғ салафларимиз ана шундай ҳаёт кечиришган. Бизлар эса улардан ибрат олишга, уларга ўхшаб яшашга, уларнинг хислат ва фазилатларини ўрганишга бурчлимиз. Ушбу мақола ҳам шу йўлдаги кичик бир уринишдир.



Ғийбат энг офир гуноҳлардандир

وَمَا لَكُمْ لَا تُقِنُّونَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَالْمُسْتَضْعَفِينَ مِنَ الرِّجَالِ وَالنِّسَاءِ وَالْوِلْدَانَ
الَّذِينَ يَقُولُونَ رَبَّنَا أَخْرِجْنَا مِنْ هَذِهِ الْقَرْيَةِ الظَّالِمِ أَهْلُهَا وَاجْعَل لَنَا مِنْ لَدُنْكَ وَلِيًّا
وَاجْعَل لَنَا مِنْ لَدُنْكَ نَصِيرًا ﴿٧٥﴾ الَّذِينَ آمَنُوا يُقِنُّونَ فِي

Эй иймон келтирганлар! Кўп гумонлардан четда бўлинглар, чунки баъзи гумонлар гуноҳдир. Жосуслик қилманглар. Баъзиларингиз баъзиларингизни ғийбат қилмасин. Сизлардан бирортангиз ўлган биродарининг гўштини ейишни яхши кўрадимиз? Ҳа, ёмон кўрасизлар. Аллоҳдан қўрқинглар! Албатта, Аллоҳ тавбани кўплаб қабул қилувчидир, раҳмлидир (Ҳужурот сураси, 12-оят).

Ушбу оятда Аллоҳ таоло мўмин-муслмон бандаларини бир неча ёмон сифатлардан, ахлоқий касалликлардан, ҳалокатга элтувчи дардлардан қайтармоқда. Улардан биринчиси: «Кўп гумонлардан четда бўлинглар, чунки баъзи гумонлар гуноҳдир».

Гуноҳга олиб борувчи иллатлардан бири бадгумонликдир. Бадгумонлик кишилар ҳақида бўлар-бўлмасга ёмон шубҳалар қилиш, уларга нисбатан тухмат ва ҳадик маъносида фикр юриштидир. Одатда, бундай гумон-

ларнинг кўпи асоссиз, беҳуда бўлади. Шу боисдан ҳам: «Кўп гумонлардан четда бўлинглар...» дейиляпти.

Ўтган уламолардан Зажжож раҳматуллоҳи алайҳи: «Бадгумонлик яхши кишилар ҳақида ёмон гумон қилишдир. Аммо аҳли фисқ бўлса, ундан нима фосиқлик зоҳир бўлган бўлса, шуни гумон қилишга ҳаққимиз бор», деганлар.

Ўйлаб кўрилса, ўзаро низолар ва келишмовчиликлар кўпроқ бир-бирдан ёмон гумонда бўлишдан ҳам келиб чиқади. Ёмон гумондан четда бўлиш учун доимо кишилар ҳақида яхши гумонда бўлиш, улар ҳақида етган хабарларни яхшиликка йўйиш керак.

Бу ҳақда ҳазрати Умар розияллоху анҳу: «Агар яхшиликка буришнинг бирорта йўли бўлса ҳам, мўмин биродарингдан чиққан сўз ҳақида фақат яхши гумон қил», деганлар.

Имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳи Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилган ҳадисда Набий алайҳиссалом: «Зинҳор ва зинҳор бадгумон бўлманглар, чунки бадгумонлик сўзнинг энг ёлғонидир», деганлар. Бошқа бир ҳадисда эса: «Агар одамларнинг айбини ахтарадиган бўлсанг, уларни бузасан», деган эканлар.

Хусусан, иш бошида турган раҳбарлар бу нарсада эҳтиёт бўлишлари лозимлиги имом Абу Довуд Абу Умомадан ривоят қилган ҳадисда яққол кўринади. Бу ҳадисда Набий алайҳиссалом: «Агар амир одамлардан айб излайверса, уларни бузади», деганлар.

Маълумки, кимнинг ўйига бадгумонлик ўрнашса, у одам ўша гумонини тасдиқлаш учун ҳужжат ва далил қидира бошлайди. Натижада гумон остидаги одамнинг ўзига билдирмасдан, айбини излашга тушади. Буни эса «жосуслик» дейдилар. Шунинг учун ҳам биз ўрнаётган ояти каримада гумондан четланишга амр қилингандан сўнг «*Жосуслик қилманглар*» деб, бу қабиҳ ишдан қайтарилмоқда.

Одатда, бировга ёмонлик етказиш

ниятида айбларини ва заиф жойларини, ўзига билдирмай, яширинча излашга «жосуслик» дейилади. Бу иш ҳам катта гуноҳлардандир. Чин мусулмон кишининг қалби бу каби жирканч одатлардан пок бўлмоғи зарур. Боз устига, бу иш Ислом динининг асосий ғояларидан бири бўлмиш инсоннинг каромати, ҳурмати, иззати ва обрўсини ҳимоя қилиш масаласига чамбарчас боғлиқдир.

Ислом мазкур ҳуқуқларнинг муқаддаслигини эътироф этади, уларнинг ҳеч бир ҳолда поймол бўлмаслигининг чорасини кўради. Ислом жамиятида инсонларнинг жонлари, молу мулклари, уй-жойлари омонликда, сир-асрорларни яширин нарсалари бехатар бўлиши зарур. Ҳатто жинойтнинг олдини олиш баҳонаси билан ҳам одамларнинг ортидан жосуслик қилишга ижозат йўқ. Ҳукм очиқ-ойдин кўриниб турган ишга қараб чиқарилади. Гумон қилишга, шубҳаланишга ва пойлашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Бадгумонлик жосусликка йўл очишини айтиб ўтган эдик. Энди жосуслик ғийбатга йўл очишини айтмоқчимиз. Шунинг учун ҳам ояти каримада «жосуслик қилманг» деган амрдан кейин «*Баъзиларингиз баъзиларингизни ғийбат қилмасин*», деб уқтирилади.

Ғийбат нима эканини энг улуғ тафсирчи Набий алайҳиссаломнинг ўзларидан эшитайлик. Имом Абу Довуд Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилган ҳадисда у зоти бобаракотдан кишилар:

– Эй Аллоҳнинг Расули, ғийбат нима? – деб сўрашибди. Расули Акрам алайҳиссалому вассалом:

– Биродарингни ўзига ёқмаган нарса билан эслашинг, – дебдилар. Шунда:

– Биродаримда мен айтган нарса бўлса-чи, бунга нима дейсиз? – дейишибди. Набий алайҳиссалом:

– Агар айтганинг унда бўлса, ғийбат қилган бўласан, аммо бўлмаса, бўҳтон қилган бўласан, – деб жавоб қилган эканлар.

Гийбатнинг ҳаромлигини, гийбат гуноҳи кабиралардан эканини ҳамма уламолар бир овоздан таъкидлаганлар. Бу иш нақадар қабиҳ ва нақадар ёмон экани ояти кариманинг ўзида ҳам ажойиб услуб ила баён қилинмоқда: «Сизлардан бирорталарингиз ўзининг ўлган биродарининг гўштини ейишни яхши кўрурми?»

Қуръони Карим бировни гийбат қилишни ўша шахснинг ўлгандан кейин гўштини ейиш билан баробар қилмоқда. Маълумки, одамнинг гўштини ейиш мумкин эмас, ўлган одамнинг гўштини ейиш эса хаёлга ҳам келтириб бўлмайдиган иш. Шунинг учун юқоридаги «Сизлардан бирорталарингиз... яхши кўрурми?» деган саволга ҳеч ким «Ҳа», деб жавоб бера олмайди.

Шу боисдан оятнинг ўзи «Ҳа, ёмон кўрасизлар» деб таъкидламоқда. «Ўликнинг гўштини тановул қилишни кўнглингиз қандай кўтармаса, бировни гийбат қилишни ҳам шундай кўтармасин», демоқда.

Набий алайҳиссалом ўз ҳадисларидан бирида: «Эй тили билан иймон келтириб, дилида иймон келтирмаганлар, мусулмонларни гийбат қилманг ва уларнинг камчиликларини қидирманг. Кимки уларнинг камчилигини қидирса, Аллоҳ таоло ўша одамнинг камчилигини қидиради. Аллоҳ кимнинг камчилигини қидирса, уни уйдан шарманда қилган ҳолатда чиқаради», – деганлар.

Гийбатчилар охиратда ҳам жазосиз қолмайдилар. Расули Акрам алайҳиссалату вассалом: «Мерожга чиққанамда мисдан бўлган тирноқлар билан юзларию кўксларини тирнаётган бир қавмининг олдидан ўтдим. Мен:

– Эй Жаброил, улар ким? – деб сўрадим. У:

– Булар у дунёда одамларнинг гўштини еб, обрўларини тўкканлар, – деб жавоб берди, – дея кўрганларини ҳикоя қилиб берганлар.

Оятнинг охирида Аллоҳ таоло мўминларнинг барчасини, хусусан, юқо-

рида зикр қилинган гуноҳларни қилганларни Аллоҳдан қўрқинглар!» дейди.


Шу билан бирга, аввал билмай, гуноҳ содир этилган бўлса, тавба қилиб, гуноҳини ювиш мумкинлигини эслатиб, Аллоҳнинг фазлу карамидан ноумид бўлмасликка чақиради. Албатта, Аллоҳ тавбани кўп қабул қилувчи ва раҳмдир.

Ҳар қандай гуноҳдан қай тарзда тавба қилинса, мазкур гуноҳлардан тавба қилишда ҳам ўшандай ҳолат, яъни ўтган ишга қаттиқ афсус қилиб, дилидан надомат чекиб, иккинчи бор бу ишни қилмасликка аҳд қилиш ва аҳдига вафо қилиш билан вужудга келади. Аммо гийбатчининг тавбаси бу билан тугамайди. Уламолар унинг тавбаси тўлиқ бўлиши учун яна бир муҳим шартни қўйишган. У ҳам бўлса, қаерда, қайси мажлисда гийбат қилган бўлса, ўша ерда, ўша мажлисда гийбат қилинган киши ҳақида яхши гапларни гапириши керак. Мўмин-мусулмонлар гийбатдан четланибгина қолмасдан, бошқа гийбатчиларнинг оғзига уриб, гийбатга йўл қўймасликка ҳаракат қилишлари матлубдир.

Имом Аҳмад ривоят қилган ҳадисда Набий алайҳиссалом: «Кимки бир мўминни гийбатчи мунофиқдан ҳимоя қилса, қиёмат куни Аллоҳ таоло унинг гўштини дўзах ўтидан ҳимоя қилувчи фаришта юборади. Кимки бир мўминни сўкмоқчи бўлиб, уни гийбат қилса, Аллоҳ таоло уни гапидан қайтмагунича, жаҳаннам кўприги устида ушлаб туради», деганлар.

Кўриб турганимиз оятларда мўминларга нидо қилиниб, улар турли ёмонликлардан сақланишга, юксак инсоний фазилатларга эргашишга даъват этилган бўлсалар, келаси оятда Аллоҳ таоло бутун инсониятга хитоб қилиб, ҳаммининг асли бир эканини эслатади, барчани мўминликка чорлайди.

“Тафсири Ҳилол”дан



Пайғамбар алайҳиссалом сўраган сифатлар

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ ﷺ يَدْعُو: اللَّهُمَّ إِنِّي
أَسْأَلُكَ الْهُدَى وَالْعِفَافَ وَالْغِنَى.
وَقَالَ أَصْحَابُنَا عَنْ عَمْرِو: وَالتَّقَى.

Абдуллоҳдан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аллоҳим! Мен Сендан ҳидоятни, иф-фатни, беҳожатликни сўрайман»**, дер эдилар». Асҳобларимиз Амрдан ривоят қилишади: **«Ва тақвони»**, деганлар.

Шарҳ: Ушбу ривоятни шарҳ қилган уламолар: унинг охирида номи зикр қилинган Амр имом Бухорийнинг шайхлари Амр ибн Марзуқ бўлса керак, дейдилар. Мазкур Амр исмли зот ўз ривоятида «Ва тақвони» сўзини ҳам қўшиб айтар экан. Шу маънони имом Бухорий қўшимча маълумот тарийқасида келтирган эканлар.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дуоларини ҳис-туйғусиз, қуруқ сўз сифатида эслаб юрадиганлар бебаҳра қолишларини эслатиб қўйиши-

миз лозим. Ул зотнинг дуоларига эътибор билан, ихлос билан муносабатда бўлган одам олам-олам маънони, баалоғат ва фасоҳатни, бандаликни бутунлай тан олишни, Аллоҳ таолони улуғлашни, бандадаги илтижо ва тазарруъни, оз сўзлар билан кўп нарсани сўрашни ва бошқа фойдаларни кўради.

Ушбу ривоятдаги дуода сўралаётган тўрт нарсани олиб кўрайлик. Ўзини билган ҳар бир одам боласига худди шу тўрт нарсдан ўзгаси керак эмаслиги очиқ-ойдин маълум бўлади:

1. Ҳидоят. «Ҳидоятга бошлаш» дегани лутф билан тўғри йўлга йўллаб қўйишни билдиради. Аллоҳ таолонинг сифатларидан бири Ҳодий, яъни ҳидоят қилувчидир. У зот Ўз фазли ила хоҳлаган кимсасини ҳидоят қилади. Яъни, Аллоҳ таоло кимни тўғри йўлга ҳидоят қилса, албатта, Ўз хоҳиши ва фазли ила ҳидоят қилади. Инсонни яратган Аллоҳ таоло уни икки дунё саодатига эриштирувчи йўлни ҳам билади. Шунинг учун банда-

ларига дийний кўрсатмалар юбориб, уларни тўғри йўлга солиб туради. Бу кўрсатмаларнинг сўнггиси Исломдир. Бу дуода айни ўша ҳидоят сўралмоқда.

2. Иффат. «Иффат» сўзи луғатда «қабих нарсадан тийилиш» маъносини англатади. Ибн Манзур: «Иффат, аслида, қолдиқнинг ўрнига ўтадиган нарсани тановул қилиш ила кифояланишдир. Иффат ҳалол ва гўзал бўлмаган нарсадан ўзини тийишдир. Иффат ўта покликдир», деган.

Уламолар иффат ҳақида бир-бирини тўлдирувчи бир неча таърифларни айтганлар: Роғиб шундай деган: «Иффат нафсда бир ҳолатнинг ҳосил бўлишидир, унинг ёрдамида шаҳватнинг ғалабасидан четланади. Иффат нафсни ҳайвоний лаззатлардан тийиб туришдир. У, ҳаддан ошган нафси бузуқлик билан нуқсон ҳисобланган шаҳватсизлик орасидаги ўртача ҳолатдир»; Жоҳизнинг айтишича: «Иффат нафсни шаҳватлардан жиловлашдир. Жасаднинг тик туришига ва соғлиқни муҳофаза қилишга етадиган нарса билан кифояланишдир. Барча лаззатли нарсалардан чекиниб, мўътадиллик йўлини тутишдир»; Журжоний: «Иффат шаҳвоний қувватга оид ҳайъат бўлиб, у мазкур қувватнинг ҳаддан ошган ҳолатидаги фужур ва нуқсонга учраган ҳолатидаги туйғунлик орасидаги ўртача ҳолатдир. Иффатли киши ишларни шариат ва мурувват асосида олиб борадиган одамдир», деган.

3. Беҳожатлик. Бу ердаги беҳожатлик маънавий ҳам, моддий ҳам бўлиши мумкинлигини уламоларимиз таъкидлаган. Беҳожатликни «бойлик» деб аташ ҳам мумкин. Арабчадаги «ғина» сўзини шундай таржима қилганмиз. Яъни, «моддий ва маънавий бойлик» дегани. Бой одам бировга ҳожати тушмагани учун ғаний-бой деб аталган. Бу сифат ҳам зарур сифатлардандир. Яъни, моддий ва маънавий маъноларда тўқ бўлиш катта бахтдир.

4. Тақво. Аслида, «тақво» сўзи «сақланмоқ», «эҳтиёт бўлмоқ» маъноларини англатади. У «виқоя» сўзидан олинган

бўлиб, бир нарсани озор ва зарар берадиган нарсадан сақлашни англатади. Бинобарин, тақво ўзини қўрқинчли нарсадан сақлашдан иборатдир. Гоҳида тақво хавф маъносида ёки аксинча ҳам ишлатилади. Ҳазрати Умар розияллоху анхудан «Тақво нима?» деб сўрашганда: «Араблар сертикон майдондан яланг оёқ бўлиб, тикондан сақланиб ўтиб кетишни «тақво» дейишади», деганлар.

Ҳаётда гуноҳ ишлар ҳам худди тиконларга ўхшайди, ким улардан эҳтиёт бўлмаса, озор чекади, улардан сақланиб юрган киши эса тақво қилган бўлади. Оқибатда тақво инсон қалбидаги ҳолатга айланади. Бу ҳолат қалбни ҳассос қилиб, доимо Аллоҳ таолонинг сезгиси билан яшайдиган қилиб қўяди.

Тақвонинг истилоҳий маъноси ҳақида уламолар бир-бирини тўлдирувчи бир қанча таърифларни айтишган: Роғиб айтади: «Шариат урфида тақво нафсни гуноҳдан муҳофаза қилишдир. Бу, манъ қилинган нарсаларни тарк этиш ила бўлади. Баъзи мубоҳларни тарк қилиш ила мукамал бўлади»; Ферузободий: «Тақво ҳар бир зарарли нарсадан, яъни, маъсиятдан ва ортиқча-кераксиз нарсалардан четда бўлишдир. Шунга биноан, у фарз ва нафлга тақсимланади», деган; Ўтган азизлардан Толқ ибн Ҳабиб шундай деган: «Тақво Аллоҳнинг раҳматидан умидвор бўлиб, унинг нури ила Унга тоат қилиш ва Аллоҳнинг азобидан қўрқиб, унинг нури ила қайтарилган ишларни тарк қилишдир».

Қуръони Каримда «тақво» сўзи «хавф», «қўрқиш», «ибодат», «маъсиятнинг тарк қилиш», «тавҳид» ва «ихлос» каби маъноларда ишлатилган. Қоронғи жойга кириб олиб, тасбиҳ ўгириб ўтириш тақводор бўлиш учун етарли эмас. Тақво-гуноҳ ишлардан ўзини сақлашдир. Аллоҳ таолонинг азобидан сақланиш учун ҳаракат қилишдир. Бунинг учун ёмонликлардан сақланиш, яхши амалларни қилиш керак. Бу дуода айнан ушбу тўрт муҳим нарса сўралгандир.

“Ал-адаб ал-муфрад”дан



Абу Куҳофа

Абу Куҳофа ҳазрати Абу Бакр Сиддиқнинг оталари эди. Макка фатҳ этилганида Абу Бакрнинг барча оила аъзолари Исломни қабул қилишган, фақат Абу Куҳофагина ҳамон боболари динида қолган эди. Макка фатҳи куни ҳазрати Абу Бакр отасининг қўлидан тутиб, Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ҳузурига келдилар. Абу Куҳофа кексайиб, кўзлари кўрмай қолган эди. Пайғамбаримиз унинг ҳориб қолганини кўриб, Абу Бакрга «Аллоҳ сенга раҳм қилсин! Отангни шу ергача чарчатиб олиб келмай, уйда қолдириб келсанг бўлмасмиди? Ўзим унинг олдига борардим», дедилар. Абу Бакр «Эй Аллоҳнинг Расули, унинг ёнига борганингиздан кўра унинг ҳузурингизга келгани яхшироқ», деди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом Абу

Куҳофани рўпараларига ўтирғизиб, «Эй Абу Куҳофа, муслмон бўл, бахтли бўласан», дедилар. Абу Куҳофа шу заҳоти калимаи шаҳодатни айтиб, муслмон бўлди. Шу тариқа Абу Бакрнинг оиласида муслмон бўлмаган одам қолмади. Абу Куҳофа розияллоҳу анҳу Маккада қолди. Пайғамбаримизнинг вафотларидан кейин муслмонларнинг ўғли Абу Бакрга байъат қилганини кўриб, «Ҳақиқат шуки, Аллоҳнинг берганига ҳеч ким тўсқинлик қила олмайди. Аллоҳ бермаган нарсани эса ҳеч ким бера олмайди» деб, Аллоҳга шукроналар айтди. Ўғиллари Абу Бакрдан бир йил кейин, ҳижрий 14 йили тўқсон етти ёшида вафот этди.

Озод МУНАВВАР

Манбалар: 1) «Саҳобалар энциклопедияси», 1-жилд, Истанбул, 1989 йил; 2) «Усдул ғоба», 3-жилд, 374-бет; 3) «Табақот», 3-жилд, 184-бет.

Шайх Ҳомидмирзо намангоний

МИЛОДИЙ ЙИГИРМАНЧИ АСРНИНГ
ЙИРИК ОЛИМЛАРИДАН БИРИ ШАЙХ
ҲОМИДМИРЗО МИРЗОХОН ҲОЖИ ЎҒЛИ
НАМАНГОНИЙ 1900 ЙИЛДА НАМАНГАН
ШАҲРИНИНГ САРДОБА ДАҲАСИДАГИ
ҲАСТИ ХИЗР МАВЗЕИДА ТУҒИЛДИ.

Отаси Мирзохон
хожи ўқимишли,
парҳезкор, тақ-
воли инсонлар-
дан эди. Шунинг
учун тўнғич ўғли
Ҳомидмирзога

бошланғич таълимни ўзи берди.
Маҳалла мактабида илмини чуқур-
лаштирган Ҳомидмирзо бирмунча
вақт Қўқон мадрасаларида таҳсил
олди. Уламолар суҳбатида, илм

мажлисларида кўп нарса ўрганди,
тафсир, ҳадис, фикҳ илмларини
эгаллади. Наманганга қайтиб кел-
гач, Туркистоннинг кўзга кўринган
олими ва муфтийси Абул Маъоний
Саййид Собитхонтўра даргоҳида
илм ва файз олди. Ҳомидмирзо
илмга ташналиги, ҳар бир шаръий
масалага синчковлик билан ёнда-
шиши, иқтидори ва қувваи ҳофи-
засининг кучлилиги билан шогирд-
ларнинг пешқадами бўлди. Устоз

Собитхонтўра тиришқоқ ва изланувчан шогирди ҳаққиға тинмай дуо қилар эди.

1917 йилги Октябр тўнтаридан кейин бутун Туркистон шаҳарлари каби Наманганда ҳам алғов-далғовликлар бошланди, фитна-фасод урчиди, маърифатли кишиларга қарши тазйиқ-таъқиб кучайиб кетди. Советлар тузумининг зулми Ҳомидмирзони ҳам четлаб ўтмади. Кўплаб ватандошлари қатори у 1929 йили ҳижратни ихтиёр этди. Аллоҳнинг иродаси билан бир қанча вақт Афғонистонда истиқомат тутди. Намангандан келиб қолган бир оиланинг Фотимахон исмли қизига уйланди.

Аёлини олиб кўп жойларни кезди, мусофирлик азобларини чекди. Ниҳоят, Ҳиндистоннинг Саҳоранфур шаҳрига бориб қолди. Илмга муҳаббатидан шаҳардаги «Мазоҳирул улум» мадрасасига ўқишга кирди. Мазкур ўқув даргоҳида у билимини анча чуқурлаштирди. Илм йўлидаги жидду жаҳди, салоҳияти ва бошқа фазилатлари билан тезда талабалар орасида ажралиб кўринди ва ҳадис илми мударриси Мавлоно Шайх Муҳаммад Закариё, мадраса мудири Шайх Абдуллатиф Соҳиб, мударрислар раиси Мавлоно Абдурраҳмон Соҳиб, олим Мавлоно Манзур Аҳмад каби устозларнинг назарига тушди, обрў қозонди.

Ҳижрий 1365 (милодий 1946) йили Ҳомидмирзо оиласи билан Саудия Арабистонининг табаррук Маккаи муқаррама шаҳрига кўчиб

**Шайх
Ҳомидмирзо
умр бўйи
Ватани
соғиниб
яшади.
Хорижда
донғи чиқиб,
номи тилларга
тушган
дамларда ҳам
она юртини
унутмади.
«Намангоний»
нисбасини
авайлаб
сақлади.
Ватанда
қолиб кетган
жигарлари
соғинчи билан
яшади.**

борди. Бу ерда ҳам илми, иқтидори, фазилати билан эътиборга тушди. Масжидул Ҳаром кенгайтирилиши муносабати билан уйи масжидга қўшилиб кетди ва у Мадинаи мунавварага кўчиб борди. Муборак Равза ёнида юзлаб илм толибларига фикҳ, тафсир ва ҳадис илмларидан сабоқ берди. Айниқса, Имом Бухорийнинг «Саҳиҳи Бухорий», Муслимнинг «Саҳиҳи Муслим», Абу Довуднинг «Сунани Абу Довуд», Имом Можанинг «Сунани Ибн Можа», Бурхонуддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» каби асарларига ҳамда «Мухтасари виқоя» сингари мўътабар китобларга шарҳлари илм аҳли қалбини маърифат нури билан мунаввар қилар эди.

Ҳомидмирзо умрининг охиригача Пайғамбаримиз масжидларида мударрислик қилди. Уч қиз, икки ўғилни тарбиялаб улғайтирди. Уларни илму маърифатга ошно, солиҳ инсонлар қилиб камолга етказди. Тўнғич ўғли Абдураҳмон Мадинаи мунаввара институтларидан бирида мударрис, кичиги Абдулманнон савдо соҳасида.

Узоқ йиллик меҳнат самараси ўлароқ Ҳомидмирзо Ислом оламига бебаҳо илмий мерос қолдириб кетди. Унинг номини илм аҳли ўртасида машҳур қилиб юборган икки жилдли, араб тилида ёзилган «Ал-фатҳур раҳмоний фил фатовои Саййид Собит Абул Маъоний» (Саййид Собит Абул Маъоний фатволарида раҳмоний йўлнинг очилиши) асари ҳозиргача ҳанафий фикҳининг нодир манбала-

ридан бири бўлиб қолмоқда. Ҳомидмирзо унда улуғ устозининг деярли барча фатволарини жамлаб, уларнинг ҳар бирини фақиҳ ва муҳаддис олим сифатида оят, ҳадисларга таяниб шарҳлаган, изоҳлар берган, айрим масалалар бўйича фикр-мулоҳазаларини баён этган.

«Фатҳур Раҳмоний...» кўплаб олимларнинг эътиборини тортди, бирин-кетин турли мамлакатларда нашр этила бошлади. Дастлаб Покистон ва Миср Араб Республикасида чоп қилинди, сўнгра олим кўним топган ватани Саудия Арабистонида босмадан чиқди. 1976 йилида яна Қоҳирада иккинчи бор нашр этилди. Бундан ташқари олимнинг «Ийқозул муслимийн» (Мусулмонларни уйғотиш) ва бошқа асарлари ҳам илм аҳлининг бебаҳо мулкига айланган.

Олим ҳаётда ниҳоятда камтар, ҳоксор, ўта тақволи, очиқ юзли, ширин сўзли, чуқур мулоҳазали инсон бўлган. Касб-кори билан ўртамиёна ҳаёт кечирган. Шоҳу гадога баробар яхши муомала қилган. Покистоннинг Карочи шаҳридаги «Араб Ислом» мадрасаси ҳадис илми мударриси Шайх Муҳаммад Идрис бундай хотирлайди: «Мен Шайх Ҳомидмирзо Намангоний жанобларини зиёрат қилиш ва суҳбатларидан завқ олиш шарафига муяссар бўлганман. Рамазон ҳайити куни эрталаб Шайх Орифибиллоҳ Мавлоно Абдулғафур ибн Аббос билан бирга у зотнинг уйларида бордик. Мени олимнинг шахсий кутубхонаси ҳайратга солди. Унда тафсир, ҳадис, фикҳ, калом илмларига доир бебаҳо маънавий хазина йиғилган эди. Мени яна хонанинг бир четида турган тикув машинаси ажаблантирди. Шунда Шайх Абдулғафур устознинг фақат қўл меҳнати

билан топилган маблағ ҳисобига яшашларини эслатди. Чунки Шайх Ҳомидмирзо Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) «Ўз қўл меҳнати билан топиб таом емаган киши дунё ва охиратнинг яхши таомидан емаган саналади» («Мишкот») деган кўрсатмаларини қаттиқ тутган эканлар. Кейинчалик ҳам бу улуғ олим билан бир неча бор кўришдик. Сўнгги учрашувимиз Маккаи мукаррамада бўлди. Ўша пайтда у зот Маккадаги «Савлатийа» мадрасасида ҳадис илмидан дарс бераётган эканлар. Бунгача иқтидорли шайхнинг барча асарларини ўқиб чиққан эдим. Улар мутолаасидан сўнг Ҳомидмирзода илм тўлиб-тошганининг, асарларидаги ҳар бир масала мўътабар манбаларга суянган ҳолда дақиқ далил-исботлар билан ҳал этилганининг гувоҳи бўлдим. Аллоҳ таоло бу улуғ олимни раҳматига олсин!»

Ватандошимиз, Ислом оламида улуғ олим ва фозил инсон сифатида танилган Шайх Ҳомидмирзо умр бўйи Ватанни соғиниб яшади. Хорижда донғи чиқиб, номи тилларга тушган дамларда ҳам она юртини унутмади. «Намангоний» нисбасини авайлаб сақлади. Ватанда қолиб кетган жигарлари соғинчи билан яшади. Совет тузумининг фитналари туфайли қариндошлари билан алоқа боғлашга бўлган уринишларининг бари самарасиз кетди.

Аммо олимнинг чуқур билими, салоҳияти, катта самара берган эди. У авлодларга қолдирган нодир асарлар бугун майдонда, эгасининг орқасидан савоблар етишига сабаб бўлиб, илм нурини таратишда давом этапти.

Аҳмад УБАЙДУЛЛОҲ,
тадқиқотчи, Наманган
шаҳри

Ажал нима?

Арабчада «белгиланган вақт, муҳлат, шошилиш» деган маъноларни англатади. Шаръий истилоҳда инсон умрининг Аллоҳ томонидан белгилаб қўйилган муҳлатининг ниҳояси, тугаши «ажал» дейилади. Ажалнинг



Аллоҳ томонидан бериладиган азоб-уқубат муддати маъноси ҳам бор. Қуръони каримнинг Аъроф сурасида шундай оят бор: «*Ҳар бир қавм-жамоат учун ажал бордир, Бас, қачон уларга ажаллари келса, уни бирор соатга кетга ҳам, илгарига ҳам сура олмайдилар*» (34-оят).

Жонни берган Зот уни қачон қайтиб олишини – ажалини ҳам белгилаб қўйган. Ажалнинг қачон келишини Ундан ўзга ҳеч ким билмайди. Бу дунё ажалидан сўнг бир куни у дунё учун белгиланган қиёмат вақтини ҳам тайин этган. Мана шу аломатлар ақл-инсофи бор инсонларни ягона Аллоҳга иймон келтириш, Унга бошқани тенглаштирмаслик учун далил ва омил бўлиши керак. Аллоҳ таоло Юнус сурасида «*Ҳар бир умматнинг ўз ажали бор. Ажаллари келган вақтда бир соат орқага ҳам, олдинга ҳам сура олмаслар*» деган (49-оят).

Аллоҳ таолодан бошқа бирон зот ҳеч кимга ҳаёт бера олмаганидек, ҳаётдан ҳам маҳрум қила олмайди. Агар Аллоҳ таоло

бирор кимсанинг тирикчилигини хоҳласа, у душман ичида қирқ йил жанг қилган тақдирда ҳам ҳеч бир зиён етказилмай тирик ва соғ-саломат қолаверади, Аллоҳ таоло белгилаган ажал келмаса, ўлмайди. Шу

билан бирга, ажал етганида ўлимдан қутулиб ҳам бўлмайди (Нисо, 78). Ҳеч бир жон қаерда ўлишини билмайди, ажали етган одам қаерда бўлса ҳам ўлади. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи васаллам): «Аллоҳ бандага бирор ерда ўлишни тақдир қилган бўлса, унга ўша ерда бир ҳожатни рўпара қилиб қўяди», деганлар.

Киши қай турли ўлим билан вафот қилса ҳам, ўз ажали билан ўлган бўлади. Дунёдаги барча жонзотларни (шу жумладан инсонларни) яратган, уларга жон ато этган Зот – Аллоҳ таолодир, ҳеч бир жон Аллоҳ таолонинг изнисиз ўлмайди, уларнинг ажалини яққо ягона Ўзи билади. Инсон ожиз, белгиланган ажал муддатидан бир лаҳза ҳам ортиқ яшай олмайди. Аҳли сунна ва жамоа мазҳабига кўра, Аллоҳ таоло махлуқотларга боғлиқ нарсаларнинг ҳаммасини, шу жумладан ўлимни ҳам олдиндан билишига иймон келтириш мукаллаф учун вожибдир.

**Аҳмад
Муҳаммад.**

Манбалар:

- 1) Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. «Ҳадис ва Ҳаёт», 36-жилд, Т., «Шарқ» НМАК, 2008 йил, 173-183 бетлар;
- 2) Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. «Сунний ақидалар». Т., «Мовароуннаҳр», 2006, 154–199-б.; 3) «Ислом». Энциклопедия. Т., «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» нашриёти, 2004, 20-б.;
- 4) Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ки-фоя (Шарҳи мухтасари виқоя). 3-жуз. Т., «Шарқ», 2008, 190-б.

МЕН – ФОТИХ ТЕМУР!

ЎНИНЧИ ФАСЛ

ЗОБИЛИСТОН

Қўшунни Жаҳонгир қўмондонлиги остида Қойинга қўйиб, ўзум уч минг отлиқ билан Зобилистонга қараб йўл олдим. Бу уч минг отлиқ киши урушлар учун кифоя қилур эди, шунинг учун бу кичик қўшун билан Зобилистонга бориб қайтмоғимнинг имкони бор эди. Қойин амири йўл биладурғон тўрт кишини менга қўшуб: «Бу одамлар регистонни яхши билади. Сизни бу поёнсиз саҳродан хатарсиз ўтқузуб, Зобилистонга етқузурлар,-деди.- Баъзи вақтларда Шарқ Қойин йўли билан Зобилистон атрофидаги карвонларни босқувчи ўғрилар тўдаси бўлади, булар албатта қўшунлик одамга дахл қилолмайди», деб қўшумча қилиб, видолашди.

Қойиндан жўнаганимда ҳаво совуқ бўлуб қолган эди. Зобилистонга тезроқ етиб олмоқ учун аскарча йўл босмоқда эдим, сарбозларим ҳам бу хилда юрушга одатланиб қолғонларидан, бу каби тез юрушдан шикоят қилмас эдилар. Фақат, йўл бошлағувчиларимиз: «Урушга бормагандан кейин, саёҳат тариқасида юраверсак ҳам бўлур эди-ку», деб шикоятланар эдилар.

Бир куни пешиндан илгарироқ, шарқдан бир тоғ кўрунди. Йўлбошчиларимиз: «Бу тоғни «Сиёҳкўҳ» (Қора тоғ) дейдурлар», деб билдурди. Дарҳол хотиримга Фирдавсийнинг шеърларида таъриф этилган «Сиёҳкўҳ» келди ва бу ер Зобилистоннинг ибтидоси эканлигини хотирладим. Сиёҳкўҳдан ўтгани-

миздан кейин ҳаво исимоққа бошлади, кечалари эса осмондан ўтаётган ўрдакларнинг товушлари эшитилар эди. Йўл бошлағувчилардан сўрадим: «Яқин орада ўрдак тушадурғон кўл ҳам борму?» Улар жавоб берди: «Зобилистонда Хомун деган дарё бор (Мутаржим Учқун изоҳи: Ҳозирги кунда Хилманд деб аталади. Кандаҳор билан Фарохсач ўртасида Буст қалъаси остидан ўтади, ҳозир Сийистон дейдурлар)». Биз илгари борганча ободликка кириб борар, ҳаво ҳам иссиқлашиб борар эди. Ҳавонинг вазиятидан, Зобилистон гармсёр (Мутаржим Учқун изоҳи: хатти устувога (экваторга) тўғри келган манотик хорраларни (иссиқ минтақаларни) «гармсёр» деб айтиладур) бир минтақа маълум бўлур эди. Албатта, гармсёр минтақаларида қиш фасли иссиқ бўлуб ўтади.

Бир куни Хомун дарёси ўзининг кенглиги билан кўзга кўрунуб қолди. Кенглигидан дарёнинг нарига қатини кўруб бўлмас эди. Дарёнинг этаклари кўз еткунча ёйлоқ бўлуб, бу ёйлоқларда катта қорамол – шохлари баланд хўкузлар ўтлаб юрар эди. Дарё юзида эса, бодбонлар (чодирлик кемалар), қайиқчалар ҳаракатда эди.

Баъзи кемалардан баланд овозлар эшитилар эди. Буни йўл бошлайдурғонлар, «сувчиларнинг овози», деб таъриф қилди. Улар қайиқда, кемада туруб, дарёнинг нариги четидаги ҳамкасблари билан бемалол сўзлашар эди. Сувчиларнинг бу овози Фирдавсий таъриф қилган Рустамнинг наърасини хотирлатар, ўзимча Рустам наърасини эшитиб турган каби завқланар эдим.

Мен Хомун дарёсининг кинорида тўхтаб туриб, бир кишини Зобилистон амирига элчи қилиб юбориб, унинг воситаси ила, бу ерга уруш учун эмас, балки сайр тафриҳ (саёҳат) учун келганлигимни билдирдим.

Ўша кунларда Зобилистон амири Гаршосиб исмли юз ёшга кирган бир одам эди. Элчиларимга берган жавобида: «Агар уруш қасдида бўлмаса, меҳмон бўлиб келган бўлса, қадами муборак бўлсин. Мабодо урушмоқчи бўлсалар, бизлар урушга ҳам ҳозирдурмиз», деб дур. Мен уруш ниятида эмаслигимни билдирмоқ учун Гаршосибга ҳадялар йўлладим.

Зобилистонни кўриш иштиёқида турган вақтимда, Зобилистон амири истиқболимга келганидан хабар бердилар. Чиқиб кўрдум: бирмунча хўкуз минган баланд қоматли одамлар от чопгандек чоптириб келмоқда эдилар. Кўринишда бошқалардан мартабаси баландлиги билиниб турган оқ соқоллик киши хўкуздан тушиши билан орқасидаги аскарлари ҳам хўкузлардан тушуб, пиёда бўлуб келар экан, боёғи қари одам қўлларини қошининг устига қўйиб, атрофга қараган ҳолда нидо қилди: «Мен Гўдарз набираларидан Зобилистон амири Гаршосиб бўламан. Амир Темур кимдур?» Мен ҳам бир неча қадам илгари бориб: «Эй Зобилистон амири, мен фақатгина мамлакати кўргани келдим», деб хо-

тиржамлик ила кўрушдим. Зобилистон амири: «Қадаминг муборак бўлсун, мен сени ўз уйимга олиб кетай, деб келдим», деди. Мен айтдим: «Бизлар уч минг кишидурмиз, бу қадар одам билан уйингга бориб, сенга заҳмат бермайлик». Чол амир айтди: «Аскарларинг ҳаммаси менга уч кун меҳмондур. Улар ўрдугоҳда қолсунлар, ўзингни уйга олиб кетаман».

Гаршосиб билан бирга келган одамларнинг баланд қоматлигини кўрган сарбозларим буларни «Девзод» деб гумон қилур эдилар. Ҳаммалари узун кийим кийган, либосларининг бир тарафини чап елкаларига ташлаб олганларидан фарқ этилмаса ҳам, баъзилари оқсоқол, мош-гуруч соқол, қора соқоллари билан фарқ этилар эди.

Гаршосиб хўкузига миниши билан одамлари ҳам хўкузларига миниб, жўнашга ҳозир бўлганларидан кейин мен ҳам бир неча киши билан отланиб, биргалашиб йўлга тушдук ва Хомун дарёсининг қирғоғи билан юруб, шаҳарга мутаважиҳ бўлдук (юзландик). Йўл устида баланд қоматли, узун соқол, либосининг бир тарафини елкасига солиб олган одамларга учрар эдик. Уларнинг баъзилари деҳқончиликларига машғул, баъзилари хўкуз миниб кетиб турган ҳолда кўрунур эдилар. Йўлимизнинг ҳар тарафи экинзор эди, уларнинг таърифларича, Зобилистон ери сермаҳсул эмиш, бир йилда уч қатла маҳсул олиш имкони бор экан.



Халқ икки марра ҳосил олишга қаноат қилур экан. Баъзилари бир дафъа маҳсул олиш билан иқтифо қилур экан.

Шаҳарга кирдим. Шаҳар ҳам кенг шаҳар эди. Бозорда Ҳиндустон молларига кўзум тушди. Маълум бўлдики, бу шаҳарнинг Ҳиндустон билан тижорий алоқалари яхши экан. Гаршосиб менинг хурсандлигимни ҳисобга олиб, шаҳар тошига бир қалъага олиб борди. Қалъа харобага айланиб қолгон эди. Зобилистон амири: «Рустам шу қалъада дунёга келгандур», деди ва орадан бир минг беш юз йил ўтганлигини тахминлади. Ундан кейин бир тоққа олиб бориб: «Рустам кичиклигида шу тоғнинг устига чиқиб, бургут қушларни ўйнар эди. Ҳозир қиш вақти бўлуб қолғони учун бургут йўқ, ёз фаслларида бургут қуши кўп бўлади», деди. Менинг Фирдавсий шеърларига ошно эканлигимни билган амир, баъзи жойларга борганда, муносабатига қараб, Фирдавсий шеърларидан ўқур эди. Фирдавсий ашъорида паҳлавонни, яъни, Рустамни зикр этган бўлса, мен юзлаб паҳлавони Рустамнамоларни кўрдум. Амир Гаршосиб менга кема билан дарё юзини томоша қилдурди. Сўз орасида айтди: «Бу дарё Рустам замонасида бундан ҳам кенг эди, йиллар ўтиши билан дарё кичиклашиб бормоқда, балки келгусида бундан ҳам кичиклашиб, набираларимга етиб борганда дарё исми йўқолиб кетармукин деб андиша қиламан» (Мутаржим Учқун изоҳи: Воқеъан, ҳозирги Хомун дарёси Амир Темур кўрганининг ўндан бирича ҳам қолмагандур. Мен 1356 ҳижрийда кўрганимда, дарёнинг қирғоқлари тўқайга айланиб кетганидан у ёндан бу ённи кўриш имкони ҳам йўқолган эди).

Қўшуним Қойинда қолгани учун, Зобилистондан қайтмоғим лозим эди. Жўнашимдан бир оз аввал Амир Гаршосибга Зобилистон халқидан сипоҳ ташкил қилиш фикримни баён қилдим. Амир жавобида бундай деди: «Эй амир, сен менинг меҳмонимдурсан, меҳмоннинг тилак-орзусини ижоб этмак вожиб эсада, шу талагингни қабул қилолмайман,

нимага деганда, Зобилистон халқи ажнабий қўшунда хизмат қилишга одатланмагандур. Шунинг учун талабингни буларга айтсам ҳам, унамайдурлар. Рустамнинг вақтидан тортиб, булар ажнабий қўшунига хизмат қилмоқдан ибод қилуб келадурлар, магар Эрон мамлакати қўшунда бўлмоққа қарши эмасдурлар».


Зобилистондан жўнашимда амир ўн адад ҳўкуз билан бир даста урушга махсус кийимлардан мағфар, зара (совут) ва соқ (тиззанинг пастига кийиладиган темир кийим) бандларни менга ҳадя қилди. Алҳолғача ўша кийимлардан истифода қилолмадим. Чунки уларнинг бўйига лойиқ қилиб ишланган ашёлар бизларнинг қоматларимизга баробар келмас эди.

Видо асносинда амири Зобилистон айтди: «Эй амир, менинг ёшим улғайгандур, сен билан яна қайтиб кўришолмасам керак, ҳатимда сенга васият қиламан: менинг халқим билан доимий ҳолда дўстлик билан ҳаёт кечирिशга ҳаракат қилсангизлар». Фурсатни қочурмасдан ундан сўрадим: «Кунлардан бир кун сизлардан ёрдам сўрасам, мен билан ёрдамлашасизларми?» Жавоб бердики: «Мен сенга дўстлик қўлини узатаман. Аммо сенинг душманинг билан урушар эканмиз, унинг кимлигини билмоғимиз зарурдир. Агар сен урушадурғон тараф бизга душманликда бўлса, албатта урушаверамиз. Мабодо бизнинг дўстларимиздан бўлса, ёрдамлаша олмаймиз».

Қиш ойи бошланиб қолғони учун тезда Рустамнинг юртини тарк этиб, Қойинга жўнадим. Қора тоғдан ўтганимиздан кейин совуқ шиддатланиб бошлади, шу қадар совуқ бўлдики, ҳаётимиз таҳлика остига кирди. Кечалари шувоғ топиб исиниб турган кунларимизда қор ёғиб қолди. Қум саҳроси оппоқ қорга айланди. Йўлчиларимизнинг маҳорати зиёдалиги сабабли йўлни йўқотмадук, фақат совуқнинг шиддатидан кўп ранж тортдук.

Абулқосим Абдуллаҳим УЧҚУН таржимаси.

(Давоми бор)

A silhouette of a person's head and hands holding a glowing, sun-like orb. The background is a sunset sky with orange and yellow clouds. The person's hands are cupped around the orb, which is positioned in front of their face.

Доктор ОИЗ ҚАРНИЙ

ЎҚИНМА!

БИРОДАРИНГИЗНИ ОЧИҚ ЮЗ БИЛАН ҚАРШИ ОЛСАНГИЗ-ЧИ!

Аҳмад Амин “Файзул хотир” китобида айтишича, ҳаётга табассум билан боқадиганлар бахтиёр бўлибгина қолмай, ҳар қандай ишни қила олади, масъулиятни ҳисэтади, қийин ҳолатларни енгиб ўтади ва ҳамма учун фойдали ишларни амалга оширишда ўзида куч топади.

Агар сизга мол-дунё, юқори мансаб ёки табассум қилувчи нафслардан бирини танлаш ихтиёри берилса, иккиланмасдан охиргисини, яъни табассум қилувчи нафсни танланг. Қош-қовоқ осган кишига мол-давлат ярашмайди, маҳзунлик билан юқори мансаб мос эмас, худди яқинининг жанозасидан келаётгандек юраги тор ва тажанг жаҳлдор қиёфа инсонга ҳаётнинг ҳеч қандай қизиғи йўқ. Уйи дўзахга айланган ғамнок аёлнинг чиройидан кўра, гўзал бўлмаса ҳам, хонадони жаннат мисол аёл минг чандон яхши.

Табассум инсон табиатига уйғун ҳолда юзага келмаса, у юзаки ва қадрсиздир. Гуллар, боғлар, денгиз, анҳорлар, осмон, юлдузлар ва қушлар табассум қилур. Одам боласи бирон-бир тамаъ, ёмонлик ё худбинликка дучор бўлмаса, унинг асли табиати табассумдан иборатдир. Табассумсиз киши хушоҳанг табиатининг маромини бузади, гўзалликни кўра олмайди, ҳақиқатни билмайди.

Инсон бу дунёни ўз амали ва қараши билан ўлчаб унга баҳо беради. Агар иш яхши ва фикр шунга мос бўлса, дунё манзаралари унга тоза, покиза, дунё ҳам аслидагидек гўзал бўлиб кўринади. Мабодо акси бўлса, гўё унинг манзаралари хиралашиб, ойналарини зулмат қоплай бошлайди ва одам ҳамма нарсани ана шундай қоралиқдан иборат деб ҳисоблайди.

Айримлар ҳамма нарсадан бахтсизлик ясаса, баъзилар саодат бунёд этади. Шундай аёллар бор, уйларида фақат камчилик қидиради. Бугун улар учун қора кун, чунки лаган синди, ошпаз овқатни шўр қилиб қўйди ёки хонадан бир парча йиртилган қоғоз топиб олди ва ғазаби келиб ҳақоратлади. Ҳақорат уйдаги ҳаммага таъсирини ўтказди, чунки у оловнинг бир бўлаги кабидир.

Баъзи инсонлар эшитган ҳар бир гапидан, унга нисбатан қилинган ёки ўзидан содир бўлган арзимас ишдан, кўрилган зарардан ёки кутилаётган фойда қўлга киритилмаганидан хавотирга тушади ёки ёмонлик томонини ўйлайди, бошқаларга ҳам хил таъсир ўтказди. Улар ҳамма нарсани қора деб билиб, атрофидагиларга ҳам қора қилиб кўрсатади, ёмонликни кўпиртиришга ўзларида куч топади, оддий уруғдан гумбаз, янги кўчатдан да-

рахт ясайди, яхшилик учун куч топа олмайди, берилган ҳисобсиз неъматларга қувонмайди ва бошқаларга инфоқ-эҳсон қилмайди.

Ҳаёт бир фан, ўрганиладиган фандир. Инсон мол-дунё тўплашга интилишидан кўра ҳаётига гуллар, рай-ҳонлар ва муҳаббат кўчати-ни ўтказишга ҳаракат қилмоғи афзалроқдир. Ҳаётида раҳмат, муҳаббат ва гўзалликни ривожлантирмасдан бутун куч-ҳаракатини мол-дунё йиғишга қаратган киши қандай инсон бўлди?!

Кўпчилик ҳаёт гўзалликларини кўриш мақсадида эмас, балки динор ва дир-ҳамларни кўзлаб кўзини очади. Сердарахт боғу роғлар, гўзал гулзорлар, булоқлар, сайроқи қушлар олдидан эътиборсиз ўтади. Чунки улар пул учун кириб пул учун чиқади. Пулни ҳаётда бахт воситаси деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун бахтиёр ҳаётларини пулга сотади. Кўзларимиз бизга гўзалликни кўриш учун берилган, лекин биз уларни мол-дунёга боқишга ўргатдик.

Умидсиз бўлманг, зеро у юзингизда буришганқиёфа пайдо қилади. Табассум қилишни истасангиз, ўзингиздан умидсизликни йўқотинг. Сиз ва бошқалар учун фурсат бор, нажот эшиги очиқ, ақлингиз умидлар ушалишига ва келажакда яхшиликка кўз тикишга ўргансин.

Сиз кичик ишлар учун яратилганман деб ишонманг, у ҳолда ҳаётда фақат кичик нарсаларга эриша-

сиз. Агар сиз буюк ишлар учун яратилганингизни ҳис қилсангиз, ўзингизда барча тўсиқовларни енгиб ўтиб, олий мақсадларга эриштирувчи ҳиммат топасиз. Гапимиз тасдиғини ҳаётда кўп кўрасиз. Масалан, юз метрга югуриш мусобақасига қатнашган киши маррага етгач чарчоқни ҳис қилади. Тўрт юз метрга югуришни қасд қилса, юз ёки икки юз метрга етганида ҳам чарчоқ билмайди.

Ҳар бир инсонда мақсадига яраша ҳиммат бўлади. Мақсадни белгиланг, у қўлга киритилиши қийин ва юксак бўлсин. Бироқ унга эришишни муаммо қилманг. Зеро, ҳар куни у томон янги қадам ташлашда давом этсангиз, бас.

Умидсизлик, орзу қила олмаслик, ёмон ишларни кўриб яхши ҳаёт кечирмаслик, одамлардан айб қидириш ва фақат бу оламнинг ёмонликлари ҳақида гапиравериш сизни зулмат исканжасида қолдириб, тунд қиёфага айлантиради.

Инсон ўз муваффақиятига эришиш учун табиий иқтидорини ўстириб, қўли очиқ ва бағрикенг бўлишга одатлансин. Ҳаракат қилаётган эзгу мақсадлари имкон қадар одамларга яхшилик қилишга туртки бўлсин. Нафси нур ва муҳаббат таратувчи маёққа айлансин. Қалби меҳр, яхшилик, инсонийлик ва барчага ёрдам бериш учун

хайрхоҳликка тўла бўлиши лозим. У ўзини шуларга ўргатсин.

Табассумли шахс қийинчиликни кўрганида уни энгишдан роҳатланади. Унга қараганида, унга қарши курашаётганида ва ғолиб келганида ҳам табассум қилади. Тунд қиёфали инсон машаққат чоғида ортга чекинади. Ҳиммати пасайиб, “агар”, “кошки” ёки “қанийди” каби сўзларни ишлатишга киришади. Уни бу аҳволга солган замон эмас, балки хулқатвори ва тарбиясидир. У ҳаётда нажот топишни истайди, пулини сарфлашни хоҳламайди.

Ҳаётда учрайдиган қийинчиликлар нисбийдир. Ҳиммати пастлар олдида ҳар нарса жудаям қийин, буюк ҳимматлилар учун ҳеч нарса қийинчилик тугдирмайди. Қийинчилик кўпайгани сари уларнинг ҳиммати янада юксалашиб бораверади. Ҳимматсизлар эса ундан қочиб уринади. Қийинчилик худди қопағон ит кабидир. Агар ундан қўрқаётганингизни, ортингизга қайтмоқчилигингизни сезиб қолса, ҳуриб, сизни қувлай кетади. Аммо унга менсимай қараб, эътибор бермаётганингизни билса, йўлдан четга ўтади ва сиздан қўрқиб, ғужанак бўлиб олади.

Инсон ўзига паст, мартабасиз ва қадрсиз, деб боқиши сабабли ҳалокатга

йўлиқади. Бу каби инсондан катта ишлар содир бўлмайди, ундан яхшиликлар кутилмайди. Ўзини арзимас санаган шахс ўзига бўлган ишончни ва имонининг қувватини йўқотади. Бирор ишни бошламоқчи бўлса, иқтидорига, ишни охирига етказишига шубҳа қилади. Натижада сусткашлик қилиб, мақсадига эриша олмайди.

Ўзига ишонч туйғуси катта фазилатдир. Ўзига ишонган киши ҳаётда нажот устунига айланади. Ўзлик, яъни нафс билан разил ҳисобланмиш ғурур орасида катта фарқ бор. Ғурур нафснинг хаёлга ва сохта шуҳратга суяниб қолишидир. Ўзига юкланган масъулиятни бажаришда қобилиятига суяниб, иқтидор ва истеъдодларини намоён этиш эса нафсга бўлган ишончдир.

Биз табассумли, хушчақчақ, кенг қалбли, саховатли, мулойим бўлишга нақадар муҳтожмиз. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳ таоло менга тавозеъли бўлишингизни ваҳий қилди. Ҳеч ким бир-бирига зулм қилмасин. Бирор киши бошқасидан кибрланмасин”, деганлар.

Ўкинманг! Чунки сиз кеча ташвиш нималигини синадингиз, ҳеч бир фойда бергани йўқ. Кимнингдир фарзанди чўкиб кетди. Ўкинчи сабаб бўлиб у нажот топдими? Яна бировнинг отаси вафот этди. Сиқилиши сабабли у

қайтдими? Тижоратингиз зарарга кетиб, ўкинсангиз, зиёнларингиз фойдага айландими?

Ўкинманг! Зеро, бир мусибатга қайғуриб, мусибатлар чақирдингиз. Фақирликдан нолиб, қийинчилигингизни янада кўпайтирдигиз. Душманларингиз гапларидан таъсирланиб, зарарингиз учун уларга ёрдам бердингиз. Ёмон иш содир бўлишидан ташвишландингиз, лекин у воқеъ бўлмади.

Ўкинманг! Негаки ғамгинлик сизга кенг ҳовли, гўзал аёл, мол-давлат, юқори лавозим ва ақлли фарзандлар бермайди.

Ўкинманг! Чунки қайғу сизга зилол сувни шўр, атиргулни заққум, боғларни қақраган саҳро ва ҳаётни тоқат қилиб бўлмас зиндон қилиб кўрсатади.

Ўкинманг! Зеро, сизда икки кўз, икки қулоқ, икки лаб, икки қўл, икки оёқ, тил, юрак, тинчлик, омонлик, соғлом тана бор. “Бас, (эй инсонлар ва жинлар!) Раббингизнинг қайси неъматларини инкор этасиз?!” (Ар-Раҳмон сураси, 13-оят)

Ўкинманг! Чунки эътиқод қилган динингиз, яшашга жойингиз, ейиш учун нонингиз, ичишга сувингиз, кийишга кийимингиз, хурсандчилик қилишга жуфти ҳалолнингиз бор. Нимадан ташвишдасиз, ғамаламдан не фойда?

Мовароуннаҳрга исломнинг кириб келиши

“Ҳижрий 88 йили Қутайба ибн Муслим Марвда ўз ўрнига Башшор ибн Муслимни қолдириб, Нумушкент ва Ромитанга юришини ниҳоясига етказди. Нумушкент ва Ромитан аҳолиси унинг истиқболига чиқиб, авф сўради ва икки ўртада сулҳ шартномаси тузилиб, Қутайба Марвга қайтмоқчи бўлди. Аммо турк лашкарлари суғдийлар ва фарғоналиклар билан биргаликда мусулмонларнинг йўлини тўсиб чиқишди. Улар қўшин ортидаги ёрдамчи кучларнинг қўмондони Абдуррахмон ибн Муслим Боҳилийни қувиб етиб олишди, Қутайба бошлиқ асосий қўшин эса ундан бир мил нарида эди (*бир мил 1848 метр*). Душман яқинлашиб қолганида у ўзининг ҳолати ҳақида хабар билан Қутайбага чопар жўнатди. Турклар унга ҳужум қилиб, мусулмонларга қарши жангга киришганди. Чопар хабарни етказиши билан Қутайба одамлари билан ортига қайтди. У турклар билан олишувга киришиб, энгилай деб қолган Абдуррахмонга етиб олди. Мусулмон лашкарлар Қутайбани кўришлари би-

лан хурсанд бўлиб кетишди, қатъият билан жангга киришди. Икки ўртадаги олишув тушгача давом этди. Ўша куни Низек алоҳида шижоат кўрсатди, у Қутайба билан бирга эди. Аллоҳ туркларни қочишга маҳкум этди, уларнинг қўшини ҳар томонга тарқаб кетди. Қутайба эса Марвга қараб йўлга тушди. У Термиз яқинида дарёдан кечиб ўтиб, Балхга қараб йўл олди ва сўнг Марвга етиб келди”.

“Ҳижрий 90 йили Қутайба Бухорони эгаллади ва ундаги душманларни қочишга мажбур этди. Қутайба Ҳажжождан Бухоро подшоҳи Вардонхудотни энгишдан олдин ундан чекинганини изоҳлаб, бунинг учун кечирим сўраш, подшоҳга қарши ҳужумга ўтиш ва мамлакатга бостириб киришнинг аниқ вақтини кўрсатиш буюрилган мактуб олди, Шундан сўнг Бухорога қарши юриш бошлади. Вардонхудот суғдийлар, турклар ва қўшниларида ёрдам сўраб, уларга чопар йўллади, шунда ёрдам келди. Лекин Қутайба Бухоро сари шошиб, шаҳарликларни қамал қилди.

Мусулмонларга қўшимча мадад етиб келгач, улар жангга кирдилар. Аздийлар ўртага чиқиб, “Фақат бизга рухсат беринг, улар билан жангга киришайлик”, дейишди. “Аллоҳ ёр бўлсин!” деди Қутайба. Шунда улар жанг қилиш учун олдинга ташланишди, Қутайба эса қуролларини таққан ҳолда буни кузатиб турарди. Иккала томон ҳам қаттиқ жанг қилди, шундан сўнг мусулмон суворийлари ҳаракатга келишди. Мажусий лашкарлар уларнинг ортидан қувиб, мусулмонлар сафига парокандалик солди. Кейин улар Қутайба манзилгоҳига бостириб кириб шунақанги тез ўтиб кетишдики, аёллар улар отларининг калласига шапатилаб, аламдан йиғлашарди. Шунда мусулмонлар қарши ҳужумга ўтишди, икки қанотдан туркларни қисиб бориб, уларни олдинги маррага қувиб боргунча аёвсиз жанг қилишди”.

“Ҳижрий 94 йили Қутайба Шош ва Фарғонага юриш бошлаб, Фарғонанинг икки шаҳри Хўжанд ва Косонга етиб борди. У юришни бошлар экан, дарёдан ўтгач, Бухоро, Кисс, Насаф ва Хоразм аҳолисига йигирма минг жангчи беришни буюрди. Қўшин унинг раҳбарлигида Суғддан ўтиб, Шош сари юрди. Орадан бир йил ўтиб, 95 йили Ҳажжож Ироқдан

жўнатган лашкар Қутайбага келиб қўшилди. Шунда у юриш бошлади, шаввол ойида Шош ёки Қўшмахонда турганида йигирма йил ҳукмдорлик қилган Ҳажжожнинг ўлими ҳақидаги хабар етиб келди. У бундан қайғуга тушиб, Марвга қайтишга қарор қилди. У орқага қайтиш олдидан одамларни иккига тақсимлади: бир қисмини Бухорода қолдириб, қолганини Кисс ва Насафга юборди. Кейин у Марвга келиб, шу ерда туриб қолди. Халифа Валид ибн Абдулмаликдан келган мактубда шундай ёзилган эди: “Мўминлар ҳукмдори мусулмонларнинг душманларига қарши урушдаги қатъият ва шижоатингни биледи. Мўминлар ҳукмдори сени юксак қадрлайди ва ўзинга муносиб марҳаматлар кўрсатади. Юришларингни давом эттир ва Парвардигорининг ажр-мукофотини кут! Мўминлар ҳукмдорига мунтазам ёзиб турки, мен мамлакатингни ва сен турган чегара минтақаларини ўз кўзим билан кўриб тургандай бўлай!”. 96-йилга келиб жумадил-аввал ойининг ўрталарида Валид ибн Абдулмалик ҳам вафот этди ва шу йили Қутайба ибн Муслим Қашқарни қўлга киритиб, Хитой сари юриш бошлади”

**(“Тарихи Табарий”,
2-жилд, 1194-1267-бетлар).**

Соҳилсиз денгиз

(Тарихий асардан боблар)

“Ҳадис ёдлашда Муҳаммад ибн Исмоилга тенг келадиганини кўрмадим. Чунки у киши китобни қўлига олиб, бир қараб чиқишининг ўзидаёқ ундаги ҳадисларни бошидан охиригача ёдлаб улгурар эди”.

**Абу Бакр
Калвазоний**

Куз бутун оламни тилло рангга буркаб юборди. Дарахларнинг барглари, дала-қирлардаги ўт-ўлан, ҳатто сой соҳилларию уйларнинг бўғотларигача сап-сарик тусга кирди. Ёз бўйи “қутурган” қуёш фасл ўзгарганини сезгандай хийла юввош тортиб қолди. Ариқларнинг суви тиниқлашди. Ҳавода одамларнинг ғашига тегиб мезон уча бошлади. Қушлар мовий самода чарх урганча ризқ ахтариш билан овора. Одамлар эса дала-боғлардаги ҳосилни тезроқ йиғиб олиш ташвишларидан бўшай олмай шошгандан-шошган.

Бомдоддан сўнг бошланган машғулотлар тугаб, Имом Бухорий муҳташам жомеъ масжидининг ёзлик айвонида хаёл сурганча турибди. Ҳалқасига қатнайдиган муҳаддисларга яқинда жавоб бериб юборди. Уч-тўрт нафар хос шогирди кенг хонақоҳ ичида устознинг очиқ ҳаводан бироз баҳраланиб киришини интизор кутиб ўтиришибди.

Олим куз ҳавосидан тўйиб-тўйиб симиради, атрофидаги гўзал манзарани энди кўраётгандай ажабсиниб кузатади. Қалбида тушуниб бўлмас туйғулар мавжланиб, ширин энтиктиради. Соқолини тутамлаганича нималарнидир хаёлини суради. “Дарс бериш билан машғул бўлиб, ҳатто фаслларнинг қачон ва қандай алмашаётганини ҳам сезмай қоламан. Илмга шу қадар боғланиб қолибманки, ҳатто атрофимда кечаётган воқеалар, табиатдаги ўзгаришлар ҳам назаримдан четда қолибди”.

Имом Бухорий қиёфа-келбатда кўпроқ онасига тортган. Ўрта бўй, ориқ ва ихчам тана, буғдойрангга мойил, қора, жингалак сочлари энди мош-гурунч бўлган. Аксари бойкандликлар каби бодомқовоқ. Сийракмўй эса-да соқолмўйлаби гўштсиз юзига ярашган. Ҳаракатлари секинакроқ, кам кулганидан юзида деярли ажин кўринмайди. Хулласи, шогирдлари ва муҳиблари наздида “аҳсани тақвим”¹ лардан.

Аммо йиллар унга ўз ҳукмини хийла ўтказиб қўйди. Узоқ вақт букчайиб ўтириб ишлаш қаддини ҳам бироз буккан. Кўп йиллик риёзат ва зоҳидлик сиҳати-га ҳам анчагина путур етказган эса-да, ғайрат-шижоати ўша-ўша! У масжиднинг ўймакор, нақшлари бўртма устунларини сийпалаб кўраркан, йиллар ўзини қаритганидай, бу муҳташам масжидни ҳам анча уринтирганини сизди.

Улуғ Ислом фотиҳи Қутайба ибн Муслим ҳижрий тўқсон тўртинчи йили, яъни Бухорий таваллуд топишидан роппа-роса бир аср муқаддам Бухоро ҳисорининг ичида бир жомеъ қурдир-

ди. У Бухоро аҳолисига ҳар жумада шу ерда тўпланишни буюрди. Чунки аввал оташпарастилик эътиқодида бўлган бухороликларнинг бир қисми Ислом билан шарафланган, аммо кўплар ҳалиям ота-боболарининг эски динидан воз кеча олмай юришган эди. Шунинг учун Қутайба ҳар ҳафта жарчи қўйиб, “Жума намозига ҳозир бўлган ҳар бир кишига икки дирҳам бераман” деб эълон қилдирарди.

Кейинчалик мусулмонлар кўпайгач, бу масжид кичиклик қилиб қолди ва Ҳорун ар-Рашид замонида Хуросон амири бўлган Фазл ибн Яҳё ибн Холид Бармакий ҳижрий бир юз эллик тўртинчи йили Бухоро халқи ёрдамида шаҳарнинг ҳисор ва шаҳристони² ўртасида бир катта жомеъ тиклатди. Улуғ фотиҳ қурдирган ушбу масжид мана бир неча йилки, Имом Бухорийнинг толибларга ҳадис илмидан сабоқ берадиган дарсхонасига айланган.

Бухорийнинг ортида ниманингдир шарпаси эшитилди. У малолланиб, эринганнамо бошини ярим бурди. Ортида ўзининг ажралмас котиби ва шогирди Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Абу Ҳотим Варроқ хижолатпазликдан безовталаниб турарди. Имом унга қараб:

– Ҳа, Абу Жаъфар, менга бирор гапинг бормиди? – деб сўради.

– Устоз, ҳаловатингизни бузганим учун минг карра узр айтаман. Кўпдан буён сиздан бир нарсани сўрамоқчи бўлиб юрган эдим. Ҳозир мавриди келди деб ўйлаб, сизни безовта қилишга журъатландим.

– Сўрайдиганинг нима экан, бўтам, – деди Имом мулойим оҳангда котибининг юзидаги хижолатпазлик тўрларини сидириб ташлаш учун.

– Эринмаган одам борки, ҳаммаси сизнинг зеҳнингизнинг ноёблиги ва хотирангизнинг ўткирлиги ҳақида гапирарди. Юз минглаб ҳадисларни бор санади билан хотирга муҳрлаб олганингиз

¹ Чиройли яратилган.

² “Шористон” ҳам дейилади, шаҳарнинг мудофаа девори билан ўралган асосий қисми.

ҳам тилларда дoston бўлиб кетган. Бизлар қанчалик тиришмайлик, бир ҳадисни икки юз, уч юз марталаб қайтармайлик, орадан бироз вақт ўтиб айрим ўринлари хотирдан кўтарилиб қолаверади. Бунинг бир иложи, давоси борми? Нима қилсак, биз ҳам сизга ўхшаб кучли ҳифз ва зеҳн эгаси бўламиз?

Имом Бухорий оғзини очмай ёқимли жилмайди. Кейин котибнинг саволига жавоб ўлароқ бошидан кечирган бир воқеани сўзлаб берди:

– Ёши улуг бир киши биз билан раҳматли Дохийнинг дарсларига қатнардди. Менга айтилган саҳиҳ ҳадисларни ва ўша киши ҳақида айтилган гапларни унга етказиб турардим. Ўша киши бир куни менга: “Эй Абу Абдуллоҳ, Абу Жаддаги раисимизнинг айтишларича, сиз хотирани мустаҳкам қилиш учун “балозур” деган дори ичар экансиз”, деди. Бир куни ўша раис билан ёлғиз қолганимда “Хотирани кучайтирадиган ўша дори бормикин ўзи?” деб сўрадим. У киши менга юзланиб: “Билолмадим. Мен ёдлаш учун кишига илмга чанқоқлик ва бардавом такрордан кўра фойдалироқ нарсани билмайман”, деди. Мен ҳам унинг фикрини тасдиқладим.

Ҳақиқатан устози Имом Бухорийга Аллоҳ таоло ўтқир заковат, кучли ҳофиза ва ҳар бир ишни пухта бажариш қобилиятини берди. Ушбу илоҳий неъматларнинг аломатлари у кишининг гў-

Бухорийнинг ортида нима-нингдир шарпаси эшитилди. У малолланиб, эринганнамо бошини ярим бурди. Ортида ўзининг ажралмас котиби ва шогирди Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Абу Ҳотим Варроқ хижолатпазликдан безовталаниб турарди. Имом унга қараб:

даклик чоғлариданоқ кўзга ташлана бошлаганини котиб яхши билади. Ўн бир ёшли бола бўлатуриб, устози Дохийнинг хатосини тутатгани ҳам бунга энг яхши далил бўла олади. Яна бунга Бухорийнинг ўзи котибга сўзлаб берган болалигидаги бир воқеа ҳам мисол: ёш Муҳаммад ўшанда отасининг дарсхонасида Абу Ҳафс Аҳмад ибн Ҳафсдан Суфённинг «Жомеъ» китобини тинглар эди. Абу Ҳафс бир ҳарфда хато қилган эди, бола унинг хатосини айтди. Иккинчи марта хато қилган эди, яна айтди. Учинчи марта хато қилган эди, яна ундан қайтарди. Абу Ҳафс Муҳаммадни танимас экан шекилли, бир муддат сукут сақлаб турди-да:

– Бу бола ким ўзи? – деди.

– Ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн Бардизба, – дейишди.

– Бунинг айтгани тўғри экан. Эслаб қолинглар! Бу бир куни албатта катта олим бўлади, – деди Абу Ҳафс.

Ибн Абу Ҳотим устоз ҳикояларини қизиқиб-энтикиб тинглар экан, яна савол беришдан ўзини тия олмади:

– Айрим муҳаддисларнинг ҳам хатоларини тўғрилаган экансиз...

– Гоҳида шундай ҳам бўлган. Бир куни ҳофиз Абу Ражо Қутайба Бағлонийдан Ибн Уяйнанинг ривоят қилган ҳадисларини таҳриж қилиб беришларини сўрадим. Қутайба шундай деб қолди: “Шу китобни ёзганимдан бери ҳеч кимга кўрсатмаганман. Эй Абу Абдуллоҳ,

вақт топганингизда шуни бир кўриб берсангиз, хатоларини менга билдирсангиз! Бўлмаса, бу китобни бошқа ҳеч кимга ривоят қилмайман. Бундаги ҳадисларни ёзиб олганимда эҳтимол баъзи хатолар бўлгандир?! Чунки ўша ерда катта жамоат бор эди. Одамлар ўзларининг ёзган китобларини менга олиб келиб кўрсатишар эди. Бир-бирларидан хатоларини тузатиб олишарди. Мен эса қандай ёзган бўлсам, шундайча қолдирганман”. Унинг бу гапидан хурсанд бўлиб, “Тўғри йўл тутгансиз”, дедим. Шундан кейин ҳар куни бомдод намозидан сўнг Қутайбанинг ҳузурларига кириб, дарслари бошлангунга қадар китобни кўздан кечириб, хатоларини белгилаб кўрсатиб турдим. Бир куни Абу Ражонинг ёзган бир ҳадисларини рад қилдим. Шунда Абу Ражо: “Эй Абу Абдуллоҳ, бу ҳадисни менда бутун Бағдод аҳи шундайлигича ёзиб олган. Алломалардан Яҳё ибн Маъин ва Аҳмад ибн Ҳанбаллар бунини маъқуллашган. Энди бу ҳадисни ўзгартира олмайман”, деб қолди. Мен у кишига: “Илмда пешқадам бўлганингиз учун улар сиздан ёзишган. Мен эса ушбу ҳадисни бир неча кишидан худди сизга айтгандек ривоят қилганман. Уни Яҳё ибн Букайр, Ибн Абу Марям ва Лайснинг котибларидан ёзиб олганман”, дедим. Шунда Абу Ражо сўзларининг нотўғрилигини сезиб қолдилар. Фикрларидан қайтиб, менинг гапимни маъқулладилар. Худди шундай иш устозим Муҳаммад ибн Салом билан ҳам юз берган. Бир куни у киши менга: «Китобларимни кўриб чиқиб, хатоларини белгилаб бер, токи кейин уларни ривоят қилмай», деди. Айтганларини қилиб бердим. Шундан кейин Муҳаммад ибн Салом мен “яхши”, деган ҳадисни «Йигит рози бўлди» деб, заиф ҳадисларни «Йигит рози бўлмади» деб белгилаб қўйган экан. Баъзи шериклари: «Ўша йигит ким?» деб сўрашганида, у: «У Муҳаммад ибн Исмоилдир, сира мисли йўқ киши», деб жавоб берар экан.

Котиб ўз устози Имом Бухорийнинг ҳадисларни қуруқ ёд олиш билангина эмас, балки уларни яхши билиши билан ҳам ном чиқаргани, шуҳрат қозонганини яхши билади. Бухорийнинг ўзи бир сафар: «Мен юз мингта саҳиҳ ва икки юз мингта саҳиҳ бўлмаган ҳадисни ёддан биламан», деганди. Атоқли муҳаддислардан Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон Самарқандий: «Мен Ҳарамайн, Ҳижоз, Шом ва Ироқда кўп уламоларни кўрганман. Аммо улар ичида Муҳаммад ибн Исмоил Бухорийдек жамловчисини кўрганим йўқ», деди. Абу Алий Солиҳ ибн Муҳаммад Асадийдан энг кучли муҳаддислар ҳақида сўралганда: «Уларнинг ичида ҳадисни энг яхши биладигани Муҳаммад ибн Исмоилдир. Мен ундан кўра фаҳми зўрроқ хуросонликни кўрмадим», деб жавоб берди. Иброҳим Ҳаввос айтади: «Абу Зуръанинг Муҳаммад ибн Исмоилнинг олдида худди ёш болага ўхшаб ўтириб, ҳадиснинг иллати ҳақида сўраётганини кўрганман». Абу Исо Термизий айтади: «Ироқда ҳам, Хуросонда ҳам иллатлар маъноси, тарих ва иснодларни билишда Муҳаммад ибн Исмоилдек бирор кишини кўрмадим». Имом Нававий айтади: «Билки, Бухорийнинг олий мақоми, бу илмда ўз тенгдошлари ва ўхшашларидан пешқадам эканига ўтгану қолган замондаги барча иттифоқ қиладди. Унинг фазли учун уни мақтаган ва яхшиликларини тарқатганларнинг кўпчилиги унинг кўзга кўринган шайхлари ва машҳур шерикларидир. Унинг фазилатларини санашнинг имкони йўқ. Чунки улар санаш чегарасидан ташқарида ва бир неча турларга тақсимлангандир: ёдлаш, англаш, таҳсил, ривоятдаги ижтиҳод, ибодат, зоҳидлик, парҳезкорлик, тадқиқ, пухталиқ, маърифат, ҳолатлар, кароматлар ва бошқалар». Абу Бакр Калвазоний айтади: “Муҳаммад ибн Исмоилга ўхшаганини кўрмаганман. Чунки у киши қўлига китоб олиб, бир қараб чиқишнинг ўзидаёқ ундаги ҳадисларни бошидан охиригача тўла ёдлаб улгурар

эдилар”. Бундай мисолларни жуда кўп келтириш мумкин.

Ибн Абу Ҳотим устозига боғлиқ ушбу воқеани ҳам яхши эслайди: икки юз қирқ еттинчи йил эди. Муҳаммад ибн Идрис Розий ўз шерикларига: «Ҳузурингизга Хуросондан бир киши келади. У ердан ундан кўра ҳофизаси кучлироқ одам чиқмаган ва Ироққа ундан кўра илмлироқ одам келмаган», деди. Ўшандан бир неча ой ўтиб, Басрага Муҳаммад ибн Исмоил кириб келди.

Котиб ҳозир устозини саволлар билан толиқтириб қўймадиммикин, деган хавотирда у кишининг юзига тикилди. Аммо илм деган жойда ҳар қандай ҳаловат ва оромдан воз кеча оладиган Имомнинг нурли, порлоқ юзида чарчоқ эмас, шавқу завқни кўриб, яна сўрашга тушди:

– Устоз, ҳадис ёдлашни қачондан бошлагансиз?

– Ҳадисларни ёд олишга мен куттобда³ ўқиб юрган келаримдаёқ илҳомланган эрдим. Ўшанда ўн ёшда, балки бундан ҳам кичикроқ ёшда эрдим. Менда мен иснодини билмайдиган ҳадис йўқ. Менда тарихдаги ҳар бир исмининг қиссаси бор. Агар менга “хоҳлаган ишинг билан машғул бўл” дейишса, биргина “Намоз” бобидан ўзига хос ўн мингта ҳадис ривоят қилмагунимча ўрнимдан жилмас эдим. Илгарилари қанча ҳадис ёзиб-ёдлаганимни ҳисоблаб юрардим. Кечалари ухлаш олдидан ёзиб жамлаган ҳадисларимни кўз олдидан келтириб санаб чиқсам, уларнинг саноғи икки юз минглар атрофида чиқар эди.

– Ёшлигингизданок зеҳн ва иқтидорда бошқалардан анча устун бўлган экансиз-да, устоз?

– Булар Аллоҳ ато қилган неъматлардир, фақирнинг бунда ҳеч бир афзаллиги йўқ. Аллоҳ мени шу ишга йўллади, тавфиқ берди, ҳаммаси Ўзининг лутфу иноятидан! Мен бир ожиз бандаман, холос. Айтганингдек, бу иқтидорим ёшлиқданок аён бўлган кўринади. Ҳозир бир воқеа эсга тушиб қолди. Амр ибн

Али Фаллоснинг шериклари менга бир ҳадисни айтишди. “Буни билмайман”, дедим. Улар жавобимдан хурсанд бўлиб, буни Амр ибн Алига етказишди. Шунда Амр: “Агар Муҳаммад ибн Исмоил билмаган бўлса, сизларнинг зикр қилганингиз ҳадис эмас. Чунки ҳақиқий ҳадис бўлганида у киши албатта билган бўлур эдилар”, деган”. Яна бир иш бўлган: ёшлик чоғимда Марв фуқаҳоларининг дарсларига қатнаша бошладим. Дарсга келиб, уларга салом беришга уялар эдим. Бир куни марвлик тарбиячилардан бири: “Бугун қанча ёздинг?”, деб қолди. “Икки донагина”, дедим хижолат ичида. Йиғиндагилар “хо-хо”лаб кулиб юборишди. Улар ичидаги кекса бир киши “Кулманглар, бир кун келиб у сизларнинг устингиздан кулмасин”, деди.

Котиб Бухорийнинг ўткир зеҳни ва ёдлаганини мустаҳкам сақловчи қалби билан бошқа бирор киши эриша олмаган насибасини тўла олиб зафарга эришмагунча; ёд олган ҳадислари ҳар бир бобнинг ўзида минглаб саноққа етмагунча; ривоятларининг миқдори эшитувчида ҳайрат ва даҳшат қўзғайдиган даражага етмагунча бир дам ҳам хаёлини ҳадис жамлашдан бошқа томонга бурмаганини, ҳаракат ва жидду жаҳдини тўхтатмаганини ҳам яхши эслайди.

У зот ҳадис тадқиқи учун бутун умрини бағишлади. Гулнинг ширасини излаб, ҳар куни нечалаб чақирим йўлни учиб ўтадиган ҳормас-толмас асалари каби Бухорий ҳам ҳадис ахтариб, қанча ўлкаларга рихлат қилмади. Қанчалаб устозларнинг ҳузурига ошиқиб, уларнинг илм мажлисига талпинмади. Битта ҳадисни ёзиб олиш учун Хуросондан Ҳижозга ёки Мадинадан Басрага сафар қилди. Нима топса, таҳоратли ҳолда дарров қоғозга тушириб, авайлаб олиб кўярди. Шу давр мобайнида бирор ҳадис “чашма”сига кўзи тушса, ундан “сипқормай” қолмади. Олти юзминг ҳадисни ёд олган бўлса, улардан фақат саҳиҳларини⁴ ажратиб олиб, китобла-

³ Бошланғич мактабда.

⁴ Ишончли, санадида ҳеч бир илллати бўлмаган ҳадислар.

рига киритди. Файри саҳиҳларидан, озгина “иллати” бор ҳадислардан воз кечди. Файри саҳиҳларини ҳам ёд олганини сабаби шуки, ўз китобларида улардан сақланиш ва бошқаларни ҳам бу ҳадислардан огоҳлантириш эди. Ҳатто китоб чўзилиб кетмасин деб у баъзи саҳиҳларини ҳам тарк этди.

Ҳадисларнинг иллатини аниқлашда имом Бухорийнинг олдида тушадиган олим кам топиларди. Абу Ҳомид Аъмаш айтади: «Бир куни Найсобурда Муҳаммад ибн Исмоил Бу-


Котиб Бухорийнинг ўткир зеҳни ва ёдлаганини мустаҳкам сақловчи қалби билан бошқа бирор киши эриша олмаган насибасини тўла олиб зафарга эришмагунча; ёд олган ҳадислари ҳар бир бобнинг ўзида минглаб санокқа етмагунча; ривоятларининг миқдори эшитувчида ҳайрат ва даҳшат кўзгайдиган даражага етмагунча бир дам ҳам ҳаёлини ҳадис жамлашдан бошқа томонга бурмаганини, ҳаракат ва жидду жаҳдини тўхтатмаганини ҳам яхши эслайди.

хорийнинг ҳузурда ўтирган эдик. Муслим ибн Ҳажжож келиб, Убайдуллоҳ ибн Умар Абу Зубайрдан, у Жобирдан ривоят қилган «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизни бир сарийяда юбордилар. Абу Убайда ҳам биз билан эди...» деган ҳадис ҳақида сўради. Муслим уни муаллақ ҳолда зикр қилиб, тобеъин Убайдуллоҳ ибн Умардан олдинги ровийларни тушириб қолдирган эди. Бу билан у имом Бухорийни синамоқчи бўлган, бу ҳадисни билиш-билмаслигини, билса, унда бу ҳадиснинг санади бор-йўқлигини, агар бўлса,

иллатли ёки саҳиҳлигини, агар иллатли бўлса, иллатини билиш-билмаслигини аниқламоқчи бўлган. Бухорий эса ана шу лаҳзанинг ўзидаёқ ҳадиснинг муттасил санадини келтириб, унга тўлиқ айтиб берди. Айни шу мажлисда бошқа бир киши мажлиснинг каффорати ҳақидаги ҳадисни ўзидаги санади билан ривоят қилиб берган эди, имом Муслим: «Дунёда бундан гўзал ҳадис йўқ», деб унинг санадини мақтади. Шунда Бухорий унга: «Лекин у иллатли-да», деди. Муслим «Лаа илааҳа иллаллоҳ», деб титраб кетди ва: «Уни менга айтиб беринг», деди. Бухорий: «Аллоҳ сатр қилган нарсани сатр қил. Бу машҳур ҳадис», деди. Муслим унинг пешонасидан ўпиб, йиғлаб юборгудек бўлиб, «Агар шундай бўлса, уни менга ёзиб беринг», деб илтимос қилди. Бухорий ҳадисни иллатсиз санад билан ривоят қилиб, аввалгисининг иллатини баён қилиб берди. Муслим бу санадни эшитгач, «Сизни фақат ҳасадчи одамгина ёмон кўриши мумкин. Гувоҳлик бераманки, дунёда сизга ўхшаши йўқ», деди.

Мана шундай тинимсиз, машаққатли меҳнат ва суннат йўлидаги фидойилик у зотни Имомуд-дунё мақомига кўтарди. Устози бор кучи, имкони, вақти ва эътиборини ҳадис жамлашга қаратган эди. Қалби, мияси, танаси, бошқа аъзолари кечаю кундуз шу машғулот билан банд эди. Овқатланиш, дам олиш, уйқу каби зарур нарсалар кўпинча унут бўлади. Фақат намозларгина у кишини севимли ишларидан уза олади.


(Давоми бор)



арзанд тарбиясида шунақанги нозик нуқталар борки, уларни инкор этиш тарбиянинг камолига путур етказади. Болага ҳамма вақт дўқпўписа қилинавермайди, чунки койиш эшитиш, хунук ишларни қилиш унга енгил туюлиб қолади, қалбидан гапнинг таъсири тушиб кетади. Ота боласи билан бирга бўладиган сўзлашиш ҳайбатини сақласин ва боласини доим эмас, балки баъзи вақтларда койиб турсин. Она эса уни отангга айтаман, деб қўрқитсин, уни ёмонликлардан шу билан қайтарсин.



Бола
тарбиясидаги
НОЗИК
нуқталар



Боланинг улғайиши яхши бўлса, балоғатга етган вақтда бу сўзлар унга таъсир қилувчи, фойдали, қалбида гўё тошга нақш ўрнашгандай мустаҳкам жой олади.

Уни кундузи ухлашдан ман қилсин, чунки бу дангасалик келтиради. Кечаси ухлашдан эса ман қилинмайди, лекин юмшоқ тўшакларда ётқизмасин. Шунда унинг аъзолари мустаҳкам бўлади, бадани семириб кетмайди ва ўзини овқатдан тийишга муҳтож бўлмайди. Ётишда, кийишда дағалроқ нарсаларга одатлантирсин. Яна гўдакни яширинча қиладиган ҳар бир ишидан ман этиш лозим. Чунки бола бир ишни яшириб қиладиган бўлса, албатта уни ёмон иш, деб эътиқод қилади. Шундай пайтда ман қилинса, ёмон ишни тарк этади. Кундузи баъзан дангасалик ғолиб келмаслиги учун юриш, ҳаракатланиш, жисмоний тарбия қилиш одатлантирилади.

Баданини очиб юбормаслик, тез юрмасликка ўргатилади. Қўлини буткул ташлаб ҳам юрмайди, кўкрагига қўйиб олади. Тенгдошларига ота-онаси эга нарсалар ё ейдиган, ё киядиган нарсалар ёхуд лавҳи ва сиёҳдонлари билан фахрланишдан қайтарилади. Балки камтарлик ва атрофидаги ҳар бир кишини ҳурмат қилиш, улар билан гаплашганда мулоим бўлиш одат қилдирилади. Бойларнинг болаларидан унга чиройли бўлиб кўринган нарсаларни олиш ман қилинади. Балки унга буюклик олишда эмас, беришда экани уқтирилади. Албатта олиш пасткашлик ва хасисликдир, гарчи камбағалнинг болалари олса ҳам. Таъма қилиш ва олиш пасткашлик



Бола мактабдан қайтганидан сўнг ҳордиқ чиқариш учун чарчайдиган даражада эмас, балки чиройли ҳолда ўйнашга рухсат бериши лозим. Чунки ўйиндан ман қилиш ва доимий ўқишга мажбурлаш унинг қалбини ўлдириб қўяди, заковатини йўқ қилади, умрини заҳарлайди. Кейин бола ундан буткул қутулиш чорасини ахтариб қолади.

ва хорлик экани ҳамда бу итнинг одати экани уқтирилади. Чунки ит бир луқмани кутиб, унга таъма қилиб думини ликиллаптиб туради.

Яна болаларга тилла-кумушни яхши кўриш, уларни орзу қилиш ёмон кўрсатилади. Улар тилла-кумушдан илон-чаёндан кўра кўпроқ эҳтиёт бўлишга чақирилади. Чунки тилла-кумушни яхши кўриш, уларни орзу қилиш офати болаларга захарларнинг офатидан ҳам зарарлироқдир. Ҳатто катталарга ҳам шундайдир. Яна ўтирган жойида туфламаслик, бурун қоқмаслик, бошқаларнинг олдида эснамаслик, бировга орқа ўгириб ўтирмаслик, бир оёғини иккинчисига чапиштириб ўтирмаслик, кафтини жағи тагига қўймаслик, билаги билан бошини суймасликка одатлантириш лозим. Чунки булар дангасалик белгисидир. Унга қай ҳолатда ўтириш ўргатилади, кўп гапириш беҳаёликка далолат қилишини, у пасткашлар фарзандларининг иши экани билдириб қўйилади. Яна унга хоҳ рост, хоҳ ёлгон бўлсин, бирданига қасам ичиш ҳам ман этилади, сабаби у қасам ичишга кичкиналигидан одатланиб қолмасин. Олдин гап бошлашдан қайтарилади. Фақат жавоб қайтаришга ёки саволга яраша гапиришга одатлантирилади. Ўзидан катта киши гапирган пайтда эътибор билан тинглаш, ўзидан юқори киши учун ўрнидан туриш, унга жойни бериш, унинг олдида уялишга ўргатилади. Беҳуда ва хунук сўзларни айтиш, лаънатлаш, сўкиш, тилларида доим хунук сўзлар бўладиган болаларга қўшилишдан қайтарилади. Чунки бу одатлар ёмон



дўстлардан шубҳасиз унга ўтади. Болаларга одоб беришнинг асли ҳам уни ёмон дўстлардан сақлашдир.

Яна муаллими урган вақтда овозини кўтариб бақирмаслиги лозим. Калтак еганида бир кишидан ёрдам сўрамайди. Балки сабр қилади. Ана шу ҳолат эркак ва ботирларнинг одатларидан, деб эслатиб турилади. Кўп бақирish эса қулларнинг ва аёлларнинг одатидир, дейилади.

Унга мактабдан қайтганидан сўнг ҳордиқ чиқариш учун чарчайдиган даражада эмас, балки чиройли ҳолда ўйнашга рухсат бериши лозим. Чунки ўйиндан ман қилиш ва доимий ўқишга мажбурлаш унинг қалбини ўлдириб қўяди, заковатини йўқ қилади, умрини захарлайди. Кейин бола ундан буткул қутулиш чорасини ахтариб қолади.

Ота-онасига, муаллимига, одоб ўргатувчига, ўзидан катта ёшдаги кишиларга, хоҳ қариндош бўлсин, хоҳ ёт бўлсин, итоат қилишни, уларга эҳтиром ва таъзим кўзи билан қарашни, олдиларида ўйнашни тарк қилишни ўргатиш лозим. Оқ-қорани ажратиш ёшига етганда намозни ва таҳоратни тарк қилишига йўл қўймаслик лозим. Рамазон ойининг баъзи кунларида рўза тутишга буюриш, ипак либослардан ва тилладан узоқ қилиш, шариатдан унга керакли ҳар бир нарсани ўргатиш, ўғрилиқ, ҳаром ейиш, хиёнат, ёлгончилик, фаҳш ва болаларга қизиқ туюлган ҳар бир ёмон ишлардан қўрқитиш лозим. Агар унинг улғайиши мана шундай тарзда бўлса, балоғат ёшига яқинлашганида бу ишларнинг сирини билишга қодир бўлади.

Унга таомлар бир дорига ўхшайди, улар инсонларнинг Аллоҳ азза ва жаллага тоат қилишга қувватли бўлишида ёрдамчи, холос, деб айтиб турилади. Яна дунёнинг асли йўқ, зеро у доимий эмас, ўлим унинг неъматларини тўхтатади ва дунё доимий қароргоҳ эмас, балки ўткинчи диёрдир, охират эса ўткинчи диёр эмас, балки доимий қароргоҳдир, ўлим ҳар бир соатда кутилади, ақли ва доно киши охират учун дунёда таёргарлик кўрган кишидир, ҳатто унинг Аллоҳ таоло ҳузурини даражаси улуғ ва жаннатдаги неъматлари кўп бўлади, деб таъкидланади.

Боланинг улғайиши яхши бўлса, балогатга етган вақтда бу сўзлар унга таъсир қилувчи, фойдали, қалбида гўё тошга нақш ўрнашгандай мустаҳкам жой олади. Агар боланинг улғайиши бунинг акси бўлиб, у ўйин, ёмонлик, беҳаёлик, таом ва либос очкўзлиги, зийнат, фахрланишга (мақтанчоқликка) ўрганиб қолса, унинг қалби ҳақиқатни қабул қилишдан деворнинг тупроқдан узоқлигига ўхшаш узоқлашиб кетади. Ишларнинг энг муҳими тарбияга эътибор беришдир, чунки бола фитратан яхшилик ва ёмонликларни барабар қабул қилувчи этиб яратилгандир. Албатта ота-оналари уни икки тарафнинг бирига мойил қилишади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Ҳар бир гўдак фитратда туғилади. Ота-онаси уни ё яхудий, ё насоро, ё мажусий қилиб қўйишади» (Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари).

Саҳл ибн Абдуллоҳ Тустарий айтадилар: «Уч ёшлигимда кечаси турар эдим ва тоғам Муҳаммад ибн Сиворнинг намозларига қараб турардим. Бир куни менга «Сени яратган Аллоҳни эслайсанми?» дедилар. Мен: «Уни қандай эслайман?» дедим. Шунда у киши: «Кўрпанга ётаётган вақтингда тилингни қимирлатмасдан уч марта қалбинг билан «Аллоҳ мен билан бирга, Аллоҳ менга қараб турувчи, Аллоҳ мени кўриб турувчи», дегин», дедилар. Ана шуни бир неча кун айтдим, сўнгра у кишига буни изҳор қилдим. Менга «Яна ҳар кеча етти мартадан айт», дедилар. Яна бир неча кун айтдим. Сўнгра у кишига билдирдим. Менга «Яна ҳар кеча ўн бир мартадан айт», дедилар. Айтдим,

ана шунда қалбимга унинг ҳаловати тушди. Шундан бир йил ўтгандан кейин тоғам яна менга «Сенга ўргатган нарсамни ёдингда тут ва то қабрга киргунингча доим уни айтиб юр, чунки у сенга дунёда ҳам, охиратда ҳам фойда беради», дедилар. Шуни бир неча йил давомида айтиб юрдим. Ботинимда ҳам унинг ҳаловатини топдим. Сўнг тоғам менга бир куни «Эй Саҳл, қайси бир инсон билан Аллоҳ бирга бўлса, унга қараб турувчи ва уни кўриб турувчи бўлса, у киши Аллоҳга осийлик қила оладими? Сен ҳам Аллоҳга осий бўлишдан сақлан», дедилар. Мен ёлғиз юрар эдим, мени мактабга юборишди. Мен: «Мақсадларим (яъни, Аллоҳга яқинлашишга интилиш) тарқалиб кетишидан қўрқаман», деб айтдим. Лекин улар муаллим билан мен бир соатга бориб, таълим олгач, қайтиб келишимга шартлашиб олишди. Мактабга бордим ва Қуръонни таълим ола бошладим. Уни олти ё етти ёшимда ёдлаб бўлдим. Ҳар куни рўза тутардим. Таомим эса ўн икки йил ичида арпа нони бўлди. Ўн уч ёшлигимда бир масала чиқиб қолди. Оиламдан Басрага ана шу масалани сўраш учун юборишларини сўрадим. Басрага бордим ва уламолардан сўрадим, бирон киши саволимга жавоб бера олмади. Басрадан Ибодонга бир кишининг олдига бордим. У кишини Абу Хубайб Ҳамза ибн Абий Абдуллоҳ ал-Ибодоний, дейишарди. У кишидан масалани сўрадим, менга жавоб бердилар. Мен олдиларида бир муддат қолиб, илмларидан фойдаландим ва одобларини ўргандим. Сўнгра Тустарга қайтиб келдим. Овқатим учун бир дирҳамга арпанинг ўзини сотиб олиш билан кифояландим. Шуни янчиб нон қилиб беришарди. Бир увқиясини ҳар кеча сахарлик пайтида тузсиз ва нонхурушсиз ердим. Бир дирҳам бир йилга етарди. Сўнгра уч кеча кетма-кет оч юриб, кейин едим. Сўнгра беш кеча, сўнгра етти кеча, сўнгра йигирма беш кеча оч юрдим. Мана шу ҳолда йигирма йил ўтди. Сўнг ер юзига бир неча йилга саёҳатга чиқдим. Кейин Тустарга қайтиб келдим. Кечанинг ҳаммасида Аллоҳ хоҳлаганича қойим бўлар эдим». Аҳмад айтдилар: «Аллоҳга йўлиққунларича у кишининг туз еганларини кўрмадим».

Қарзидан қутулган одам

(Собиқ талабанинг ҳикояти)

Ўзим полтехни битирганман. Муҳандислик дипломим бор. Ҳозир кўриб турганингиздек тижоратчиман. Мана шу Чинни бозорда уй-рўзғор буюмлари со-таман.

Талабалик йилларим тунда бир ташкилотда қоровуллик қилардим. Бир тунлик иш ҳақимиз ўша пайт 400 сўмга, ярим кило яхши қўйгўшти пулига тўғри келарди, менимча. Бир куни зарур ишим чиқди. Навбатчи кампирдан бир тун менинг ўрнимда туришларини илтимос этдим. Кампир бажарди. Лекин ойлик олганда ҳақини беришда қизғанчлик қилдим, тўғриси. Менга нима бўлди, билмадим. Кампир ҳам қатъий сўрамади, эслатмади ҳам. Қаричилик билан хаёлидан кўтарилгандир.

Бир куни шомдан кейин китоб ўқиб ўтириб, Пағамбаримизнинг (с.а.в.): “Агар кимда ким бировдан қарз бўлса-ю, уни вақтида беришга қурби етса, аммо вақтида бермаса, ўша қарз берганга зулм қилган бўлади”, мазмундаги ҳадисларини ўқиб қолдим. Бирдан сергакландим. Кампирган зулм қилибман, ундан қарз эдим. Беришга қурбим ҳам етарди.

Орадан эса икки йиллар ўтибди. Қўлим узайган. Лекин бошимга ўзим кутмаган кулфатлар ҳам ёғилиб турибди. Худонинг синовлари. Қиш куни бир марта меҳмондан ялангоёқ қайтдим, бошқа сафар телпак кетди. Сабабини ўзимдан изладим. Шунда беихтиёр, ҳозир сизга айтаётган кампир хаёлимга келди. Бу бозор деганнинг оҳанграбоси, жин-

ажинлари бор. Ўзига тортади, ҳеч қўйиб юборайин демайди. Вақт топиб бир куни бозордан чиқдим. Ўша ташкилот қаровулхонасига қараб йўл олдим. “Жойидан топайин-да, ишқилиб”. Ниятим холис экан. Кампирни топиб, қарзимни эслатдим. Ҳисоб-китоб қилиб, қўшимча совғалар бердим. Кампир жуда қувонди. Аввалига бир оз бегонасираб турган момой, “марҳамат”имдан мени ўзига яқин тутиб: “Эсимданам чикиб киткан, балам”, деди. Ростданми ё кўнглим учунми – билмадим.

Нима бўлганида ҳам бўйнимдаги қарздан қутулдим. Енгил тортдим. Шушу, қарз олсам, вақтида бераман. Бу тадбиримнинг ирим-сиримга асло алоқаси йўқ. Аммо бошимда Худонинг синовлари кўп экан. Ўлмаган банда кўравераркан. Ҳарҳолда, одам ўз кўнглига қараб, ичидаги гашликни вақтида тоза-лаб юргани маъқул.

Баҳодир НУРМУҲАММАД





«ОСМОНЛАРУ ЕРНИНГ ЯРАТИЛИШИДА ҲАМДА КЕЧА ВА
КУНДУЗНИНГ АЛМАШИБ ТУРИШИДА АҚЛ ЭҒАЛАРИ УЧУН
ОЯТ-БЕЛГИЛАР БОРДИР» ОЛИ ИМРОН СУРАСИ, 190-ОЯТ